

# Хабар

4

(905)-son

22-yanvar

www.xabar.uz  
info@xabar.uz  
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqq boshlagan

## Тараккиёт, Технология Ва... СПОРТ

Хаётимиз, бизни ўраб турган борлик шиддат билан ўзгармоқда. Янгиликлар алмашинуви кўзимиз, онгимиз илғай олмайди даражага етди. Хар куни минглаб кашфиётларга қўл урилмоқда ва бу ихтиролар тез орада хаётимизнинг бир бўлагига айланиб қоляпти. Мисол учун телевизорни олайлик. У хар бир оилада бор. Бу курилма оила аъзосига айланиб бўлган десак, муболаға бўлмайди. Чунки у хар куни биз билан бирга - овқатланаётгандай, бутун оила жам бўлгандай, кечасиям, кундузиям, хатто, самолёт, поезд ва автомобилларда ҳам. Биз у билан деярли жонли мулоқот қиламиз - ТВда айтаётган фикрларга кулоқ тутамиз, янгиликларига ишонамиз, сериаллари билан яшаймиз... Мана тараккиётнинг бир кўриниши! Технологиялар хаётимизга кириб келганлигининг оддийгина исботи! Энди, компютер ва интернет, мобил ва инновацион технологияларнинг жамиятимиздаги мавқеини ҳам бир тасаввур қилиб кўринг.

5-бет



### ХУКУКИЙ АХБОРОТ БАЗАСИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларининг ягона электрон базаси яратилган. Кенг оммани миллий қонун ҳужжатлари билан таништириш имконини берувчи мазкур дастурга мустақиллик йилларида мамлакатимизда қабул қилинган қонулар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда Конституциявий суд қарорлари киритилган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - LexUz - ҳуқуқий ахборот излаш тизимидан фойдаланиш аҳолининг барча қатламлари учун фойдалидир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишнинг таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 2010 йил 1 январдан бошлаб барча фойдаланувчилар қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан бепул фойдаланиш имконига эга бўлди. Ахборот дастурида 20 мингта яқин ўзбек ва рус тилларидаги қонулар ва меъёрий ҳужжатлар жамланган.

### Сўнгги янгилик!

Акамаі компаниясининг маълумот беришича, 2009 йили жаҳонда интернетга уланиш тезлиги 18 фоизга ўсиб ўртача 1,7 Мбит/с.ни ташкил этган.

Энг юқори ўртача тезлик Жанубий Корея (14,6 Мбит/с), Япония (7,9), Гонконг (7,6), Руминия (6,2) ва Швеция (5,7)да кузатилган.

Мониторинг ўтказилган 226 мамлакатдан 103тасида ўртача веб-тезлик 1 Мбит/с. бўлса, етти мамлакатда 100 кбит/с.га ҳам етмаган.



### Ушбу сонда:

- |   |    |
|---|----|
| ■ Қишлоқда сервис хизмати                       | 2  |
| ■ Ютуқлар сари                                  | 3  |
| ■ Повышение квалификации руководителей филиалов | 6  |
| ■ Кичик мамлакатнинг улкан тажрибаси            | 11 |
| ■ "USB-модем" мамлакат бўйлаб намоиш этилмоқда  | 16 |

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet — сифат рамзидир

Internet Service Provider



**Umadan  
umagacha**

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 18 январ куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари Игор Шуваловни қабул қилди. Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучларига фуқароларни навбатдаги қақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўштириш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисини 22 январ куни Тошкент шаҳрида қақирин ва унинг кун тартибига ташкилий масалаларни киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Жорий йилнинг 15 январ куни янги сайланган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Мусо Тажетдинович Ерниязов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб сайланди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси этиб Баҳодир Янгибоев тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши ўтказилди. Унда 2009 йилда идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг фаолияти якунлари сарҳисоб қилинди ва 2010 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 20 январ куни Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш бўйича қўшма маслаҳат дастурининг семинари ўтказилди.

Латвияда нашр этиладиган "Час" газетасида "Uzbekistan Airways" миаллий авиакомпанияси томонидан қўшимча "Тошкент - Рига - Тошкент" авиақатнови йўлга қўйилгани ҳақидаги мақола эълон қилинди. Мақолада Ўзбекистон ушбу авиарейс орқали мамлакатта Болтиқбўйи давлатларидан келадиган ёки транзит орқали Ўрта ва Жануби-Шарқий Осиёга йўл оладиган сайёҳлар оқимини кўпайтиришни режалаштираётгани ҳақида сўз юритилади.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Банклар ассоциацияси ҳамкорлигида аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича тижорат банкларни ўртасида ўтказилган танловнинг 2009 йилдаги ғолибларини тақдирлашга бағишланган тadbир бўлиб ўтди. "Асака" давлат акциядорлик тижорат банки "Йилнинг энг яхши банки" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

**QISHLOQDA SERVIS XIZMATI**

**"Максимус" хизматда**

**Бахтиёр Эшмуродов информатика соҳаси бўйича малакали мутахассис. Иш кунларининг бирида Музабат педагогика коллежи муаллими хаёлига қишлоқда сервис хизмати шохобчасини очиш нияти келиб колди.**

Тез орада укаси Баҳодирни ёнига олиб, мақсад сари таваккал қилди. Туман тиббиёт бирлашмасига яқин жойдан бўш турган бинони ижарага олди. Унинг оилавий бизнес лойиҳаси маҳаллий ҳокимият томонидан ўз вақтида қўллаб-қувватланди. Натижада Шариф Бобоев маҳалласида интернет-кафе иш бошлади. Бу сервис хизмати шохобчасига "Максимус" деб ном қўйилди.

Интернет-кафега ўрнатилган компютер жиҳозлари кунбўйи тўхтовсиз ишламоқда. Гап шундаки, танланган худудда электр энергиясидан чекланмаган миқдорда фойдаланиш имконияти яратилган.


Шу боис "Максимус" ҳар доим қизиқувчилар билан гавжум. Мижозларнинг ёши ҳам, мақсад ва йўналишлари ҳам турлича. Кимдир интернет орқали масофавий ўқиш шароитидан фойдаланаётган бўлса, яна биров сеvimли мамлакат тарихи билан танишмоқда, компютер ўйинлари ишқибозлари қувончини кузатган киши дилдан яйрайди.

— Интернет-кафемизда етита компютер ишлаб турган эди, — дейди тadbиркор Бахтиёр Эшмуродов. — Яқинда яна иккитасини ўрнатдик. Шохобчага қатнайдиغانлар сафи кенгайиб бораётганлиги шундай янгилик қилишимизни тақозо этди.

Дарҳақиқат, ака-ука Эшмуродовлар кўрсатаётган сервис хизмати турлари кўп. Фарзандлари олис юртларда ўқиётган ё ишлаётган ота-оналар ҳам интернет-кафегача келишмоқда. Уларнинг дилномалари ҳамда суратларини тезкор тарзда кўзланган манзилга узатишмоқда. Ўз навбатида, жўнатмаларнинг қўлга олигани буюртмачиларга маълум қилиб бориляпти. Яна бир хайрли хизмат ҳам эътиборга лойиқдир. Нутилмас кунлардан олинган тасвирлар матлаштирилган ва мусиқий безатилган ҳолда DVD дискларга қўчириб берилмоқда. Бундан ташқари, реклама баннерлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилгани фойдадан холи бўлмапти.

*Норможи ЗИЁЕВ,  
"Хабар"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири*

**АКТ соҳасида  
янги нашр**



**Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида "ICTNEWS" ахборот-таҳлил бюллетенининг биринчи сони нашрлан чикди.**

Унда республика-миз ва хорижда ахборот-коммуникация технологиялари ва интернетни жорий этиш ҳамда ривожлантириш дастурлари,

лойиҳаларининг амалга оширилиши борасидаги энг илғор ютуқлар, ахборот-таҳлил материаллари, замонавий технологияларни жорий этиш натижалари, соҳадаги энг сўнгги янгиликлар шарҳи кенг ёритилади.

"ICTNEWS" ахборот-таҳлил бюллетени Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Электромагнит мослашув маркази, "UNICON.UZ" давлат унитар корхонаси ва "СІВ GROUP" масъулияти чекланган жамияти муассислигида ташкил этилди.

Бюллетенни чоп этишдан мақсад кенг ўқувчилар оммасини тезкор янгиликлар ва таҳлилий материаллар, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси, давлат бошқаруви, бизнес ҳамда ижтимоий ҳаётда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва қўллаш борасидаги илмий-техник ютуқлар ҳақидаги долзарб ахборот билан таъминлашдан иборат.

Нашрнинг барча ахборот-таҳлил маҳсулоти расмий материаллар ва статистика маълумотлари, таҳлилий ҳисоботлар, давлат органлари, корхона ва ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, таҳлил билан шуғулланадиган компаниялар ҳамда ишончли интернет-манбалар шарҳлари ҳамда пресс-релизларга асосланади. Бюллетен "АКТ: жорий этиш ва ривожлантириш", "Хорижда", "Таҳлил", "Воқеа ва тadbирлар" каби бўлимларни ўз ичига олган.

*Ўз мухбиримиз*



**TATUда киска  
муддатли курслар**

**Тошкент ахборот технологиялари университетиде талабалар учун ахборот технологиялари бўйича киска муддатли курслар ўтказилмоқда.**

TATU ва Рақамли имкониятлар бўйича Корея агентлиги (KADO) ўртасида имзоланган келишувга биноан, "Корея интернет кўнгилчилари" дастури доирасида саккиз нафар талабадан ташкил тонган иккита гуруҳ университетга ташриф буюрди. Улар томонидан C, C++, фотошоп ва бошқа йўналишларда қиска курслар ўтказилмоқди. Курсларда 40дан зиёд талабалар қатнашяпти ва курс якунида уларга KADO сертификатлари берилиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, TATU ва KADO ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмади 2007 йили KADO томонидан университетда "Интернет Плаза" ахборот технологиялари маркази ташкил этилганди.



# Ютуқлар сари

**Зафарларга бой 2009 йил “ЎЗИ-Қарши” филиали жамоасининг ҳар бир ходими шахсий ҳаётида ҳам ўзгача из қолдирди. Жамоа сафига кўшилган ёш мутахассислар соҳа билимдонлари билан кўлни кўлга бериб астойдил меҳнат қилмоқдалар.**



Филиал ихтиёрида битта телеграф станцияси, ЛАЗ бўлими ва 14та рақамли АТС, интернет-кафе фаолият кўрсатиб келаётди. Хизмат турларини ошириш мақсадида шаҳарнинг бир неча аҳоли гавжум

ва. — Режага нисбатан ўсиш шаҳар телефон хизматига 123,1 фоизни, телеграф хизматига 154,5, интернет хизматига 143,0 фоизни ташкил этди. Жами 201 нафар кишилик жамоамиз билан 2010 йилда 2101542,0 минг

Қарши” филиали шаҳар аҳолисига 1000та телефон ўрнатиб берди. Бешта АТС-да 12467 метр узунликдаги 26та магистрал кабелларда гидрофоб суюқлиги билан тўлдириш ишлари амалга оширилди. Шаҳарнинг Команди қўргонидagi 225/70-ЭАТСдан янги ТПП-200Х2 магистрал кабел чиқарилиб, янги тармоқ қурилиши натижасида Команди ва Бўстон маҳалласи ҳудудидаги 200та аҳоли хонадонига телефон нуқталари ўрнатиш имкони яратилди. Қарши шаҳрининг Аэропорт ҳудудида жойлашган 228/50-ЭАТСда қўшимча электр энергия линияси қурилиб, узлуксиз электр энергия билан таъминлаш йўлга қўйилди. Кўрсатилаётган

алоқа хизматларининг сифати ва самардорлигини ошириш бўйича 2,522 км магистрал кабел тармоғи капитал таъмирланди. Жорий йилда яна 200та хонадонга телефон нуқталари ўрнатилиб, 0,69 км магистрал тармоқ кабелларини капитал таъмирлаш олиб борилади.

— Ҳозирги кунда қўшимча хизмат турларидан фойдаланаётганлар сони 23967тани ташкил этади, — дейди филиалнинг маркетинг бўлими бошлиғи Бахтиёр Авлиёқулов. — Шундан

аҳоли 21657 нафар, бюджет ташкилотлари 1249та, хўжалик ҳисобидagi ташкилотлар 1061тадир. Бу хизмат турларидан 126 млн. сўмдан ортиқ даромад олинди. “ЎЗИ” қўшма корхонаси томонидан тақдим этилган сўзлашув карточкалари миқдорига янада қўлайлик яратиш мақсадида янги йил байрами муносабати билан 10 фоизга арзонлаштирилган ҳолда тўхфа этилди. 2009 йил ноябр ойининг ўзиде ушбу карточкалар орқали 13624та сўзлашув амалга оширилди.

Филиалда “Алкател S-12” русумидagi бта, “Искрател SI-2000” русумидagi 8та рақамли станциялар фаолият кўрсатмоқда. Станциялар ўзaro 28,046 км оптик толали кабел орқали боғланган.

Филиал жамоаси жорий йилда ҳам катта ютуқларни қўлга киритиш мақсадида меҳнат қилмоқда.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
“Хабар”нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири



жойларида ва маҳаллаларида очилган шаҳарларaro сўзлашув масканлари ва миқдорлардан тўловларни қабул қилиш шохобчалари замонавийлиги, янги коммуникация технологиялари асосида таъминланганлиги билан ажралиб туради.

— 2009 йилда филиалимизда 1933039,0 минг сўм ўрнига 2155432 минг сўм даромад олинди ёки режа 111,5 фоизга бажарилди, — дейди филиалнинг молия-режалаштириш бўлими бошлиғи Муяссар Ёдгоро-


сўмлик даромад олиш режасини уйдлаш ниятидамиз.

Ўтган йилда ишчи-ҳодимлар учун 6 миллион 729 минг сўмлик қишлоқ хўжалиги махсулотлари тарқатилиб, 4 млн. 51 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Юбилей саналари, тўй ва бошқа маросимларга 339 минг сўм ажратилган бўлса, 1 млн. 81 минг сўм миқдоридаги маблағ кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилди.

Ўтган йили “ЎЗИ-



Суратларда: “ЎЗИ-Қарши” филиали жамоаси иш фаолиятидан лавҳалар.



**UZ доменида янги хизмат**

UZ домени ҳудуди маъмурияти томонидан домен эгаларига домени ҳолатини кузатиб боришда оддийлик ва қўлайлик яратиш мақсадида янги хизматлар жорий қилиниши давом этмоқда. Яқинда домен номи рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи хабар юбориш хизмати йўлга қўйилди. Бу хабар домен эгасининг электрон почтасига юборилади ва буюртмачи ўзининг домени рўйхатга олинганлиги ҳақида тезкор маълумотга эга бўлади.

Амалдаги доменнинг ҳолатини текшириш учун эса исталган вақтда www.cctld.uz сайтнинг «Whois» хизматидан фойдаланиш мумкин.

Эслатиб ўтамиз, бунгача UZ домени ҳудуди маъмурияти томонидан «рўйхатга олинганлик муддати якунлангани тўғрисида хабар бериш» хизмати тақдим этилиб келинаётган эди. Ушбу хизматлар домен рўйхатга олинаётганда фақат асл электрон манзил (e-mail) кўрсатилган ҳолда амал қилади.

## FAXRIYLAR — FAXRIMIZ



## Эхтиром

**“Тошкент телеграф-телефон станцияси” филиалида бир гуруҳ меҳнат фахрийларини пенсияга кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

Маросимда сўз олган филиал директори Амир Газиев фахрийларга филиалдаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун жамоа номидан ташаккур билдириб, бундан кейин ҳам улар учун корхона эшиклари доимо очиқлигини, ҳар қандай масала юзасидан бемалол муурожаат қилишлари мумкинлигини, бу боралда филиал касаба уюшмаси кўмитаси ҳамда Фахрийлар кенгаши ёрдамга тайёр эканлигини таъкидлади. Ўз навбатида, фахрийлар номидан сўзга чиққан Эркинжон ака Рисквев, Шою-

ра опа Ёқубжоновна ҳамда Вера опа Сафоновалар ҳам кўрсатилган ҳурмат-этибор учун филиал раҳбариятига миннатдорчилик изҳор қилиб, ёш ҳамкасблари ишларига омаллар тиладилар.

— Ушбу корхонада 48 йил меҳнат қилдим, — дейди Э.Рисквев. — Бу мен учун фахр. Шу ердан барака топдим, бахт топдим, барча қувончу ташвишларимни шу жамоа билан баҳам кўрдим. Корхонамизда ҳеч кимнинг меҳнати, муаммоси эътиборсиз қолмайди. Раҳбариятимиздан, ҳамкасбларимдан жуда хурсандман.

Барча пенсионерларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Абдушукур ота Умаровга эса “Зомин” сийхатгоҳига бепул йўланма ҳам берилди.

Ўз мухбиримиз



# Xalqaro hayot



## ГАИТИ ЁРДАМГА МУХТОЖ



Ўтган ҳафтада Гаитида рўй берган зилзила катта талафотларни келтириб чиқарди.

Ахборот агентликларининг хабарига кўра,

табiiй офат ҳозиргача 75 минг кишининг умрига зомин бўлган. Қидирув-қутқарув ишлари давомида бу кўрсаткич яна ортиши мумкин. Мамлакат пойтахти Порт-о-Пренс бутунлай вайрон бўлган. Вайронлар остида яна камида 25 минг киши қолиб кетгани тахмин қилинган. Мамлакатда январ ойининг охиригача фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

Халқаро ҳамжамият 25 январ куни Канадада махсус саммит ўтказишни режалаштирган. Саммитда айнан Гаитига ёрдам кўрсатиш масаласи кўриб чиқилади.

## ГАРОВДАГИЛАР ОЗОД КИЛИНДИ

Нигериялик жангарилар томонидан гаровга олинган тўрт нафар хорижлик озод қилинган.

Мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари бошқинчилар қўлига тушиб қолганлардан уч нафари британиялик, бири эса колумбиялик эканини, уларга ҳеч қандай зиён етказилмаганлигини билдирган. Маълумотларга кўра, жангарилар гаровдагилар эвазига икки миллион АҚШ доллари миқдорига товон пули талаб қилишган.

## ЕИ: ЭНГ КОЛОҚ ДАВЛАТЛАР

Eurostat маълумотига қараганда, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар орасида Латвия иқтисодий жиҳатдан энг қолақ ҳисобланар экан.

Ушбу мамлакат аҳолисининг 26 фоизи қийин аҳволда кун кечиради. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида бу давлатдаги ҳолат янада мураккаблашиб, бюджетда тақчиллик юзага келгани натижасида пенсия ва бюджетдан ажратиладиган бошқа маблағлар миқдори кескин камайган.

Иккинчи ўриндан жой олган Руминияда 23 фоиз аҳолининг ҳаёт кечирishi тарзи пастлиги аниқланган. Греция, Болгария, Испания ва Литвада ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Умуман олганда, ушбу тоифага иттифоққа аъзо давлатларнинг 17 фоизи киритилган.

## АФҒОНИСТОН ПОЙТАХТИДА ОТИШМА

Reuter ахборот агентлиги хабар тарқатишича, Афғонистоннинг Қобул шаҳрига террорчилар томонидан ҳужум уюштирилган. Шаҳарнинг турли масканларида отишмалар бўлган, бир неча жойда портлаш содир этилган. Ҳозирча қурбон бўлганлар ёки яраланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан маълум қилинишича, ҳужумда ўттизга яқин жангари иштирок этган, отишмалар вақтида уларнинг уч нафари йўқ қилинган.

Интернет материаллари  
асосида тайёрланди

## INTERNET

### РЕАЛ НАРХЛАР

Германиянинг Apnoti сайти дунёда биринчи бўлиб реал вақт тартибида дўконлардаги нарх-навони аниқлаб берувчи қидирув тизимини ишга туширди. Ҳозирча синов ишлари кетаётган бўлса ҳам тизим Германиядаги 10 мингдан ортиқ дўконлардаги 65 миллион хил маҳсулотнинг қийматини лаҳзада аниқлаб беради.



## IT-BIZNES

### AMERICAN EXPRESS

#### ИНТЕРНЕТДА ПУЛ ИШЛАЙДИ

Халқаро пул ўтказмалари ва кредит карталари бозорида иккинчи ўринда турувчи American Express компанияси Revolution Money "лаҳзалик" тўловлар ва пул ўтказмалари тизимини 300 миллион долларга сотиб олди.

American Express Revolutionнинг кам ҳақ эвазига жисмоний шахслар ва компаниялараро пиринг пул ўтказиш тизими (peer-to-peer service)дан ўз бизнеси равнақи йўлида фойдаланмоқчи.

### ВАЗИЯТ ЎНГЛАНМОҚДА

Жаҳон компютер бозорида вазият ўнганмоқда. 2009 йил тўртинчи чораги якунларига кўра, 20,7 миллионга компютер (ноутбуклар, десктоплар, нетбуклар) сотилган, бу 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 15,2 фоиз кўпдир.

Арзон компютерларнинг сотувга чиқарилиши, шунингдек, Windows 7 амалиёт тизимининг чиқарилганлиги бу борада ижобий аҳамият касб этган.

Бозорнинг асосий таъминотчилари HP, Acer, Dell, Lenovo ҳамда Toshiba компанияларидир.

## HUAWEI

### ҲИНД БОЗОРИДА

Хитойнинг Huawei Technologies компанияси Ҳиндистондаги яқин беш йиллик фаолияти учун 500 миллион доллар сармоя ажратди. Компания шу йўл билан ишлаб чиқариш ва талқинот имкониятларини кенгайтиришни режалаштирган.

Хусусан, компания раҳбарияти баёнотида айтилишича, Ҳиндистон ҳудудида Huawei ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўяди, натижада бу ерда ишловчилар сони 4 мингдан 6 минггача ошади — уларнинг 80 фоизи маҳаллий аҳоли вакиллари.

## "ЭЛЕКТРОН ҚОҒОЗ"

LG компанияси "электрон қоғоз" технологияси қўлланган 19-дюймлик этилувчан дисплей ишлаб чиқди. У худди қоғоз сингари электр энергиясини сарфламаган ҳолда тасвир ва матнни анча вақтгача сақлаб туради.

Дисплей одатдаги газеталар каби тасаввур уйғотувчи "электрон газеталар"да қўлланилиши мумкин. Унинг қалинлиги бор-йўғи 0,3 миллиметр. Бироқ қоғоздан анчагина салмоқли — 130 грамм.



## ALOQA OLAMIDA

### MOBIL ALOQA

#### SMS ОРҚАЛИ КЎМАК

АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтоннинг маълум қилишича, Гаитида зилзиладан жабр чекканлар учун хайрия пуллари 10 миллион доллардан ошган. Афсуски, Wall Street Journalнинг маълум қилишича, SMS орқали келган пуллари то 90 кун тўлгунча олишнинг иложи йўқ — мобил алоқа стандартлари шундай.

#### КИМ ТЕЗ ЁЗАДИ?

Нью-Йорк шаҳрида SMS матнини тез териш бўйича жаҳон чемпионати ташкиллаштирилди. 200 минг хоҳловчи орасидан танлаб олинган 26 нафар иштирокчига матнларни ўз она тилларида орфографик ва синтактик хатоларсиз ва албатта, тез ёзиш вазифаси топширилди.

Рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган Жанубия Корей фуқаролари — 17 ёшли Бэ Йен Хо ва 18 ёшли Ха Мок Мин бош соврин — 100 минг доллар билан тақдирланди.



## АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

### КИБЕРЎҒРИ

#### АЙБИГА ИҚРОП

Майамилик (АҚШ) 28 ёшли Алберт Гонзалес 130 миллиондан ортиқ дебт ва кредит пластик карталар маълумотларини ўғирлаганини бўйнига олди.

У аъзо жинойт гуруҳ ҳаракатларидан 7-Eleven дўконлари, Hannaford Brothers супермаркетлар тармони, Heartland Payment Systems тўлов тизими ва номи ошкор этилмаган икки компания жабр кўрган. Хакер, шунингдек, BJ's Wholesale Club, OfficeMax, BostonMarket, Barnes & Noble ва Sports Authority ритейлерлари компютер тармоқларини ишдан чиқарган.

Суд жиноятчини 25 йилгача озодликдан маҳрум этиши мумкин. Бундан ташқари, у 1,65 миллион доллар жарима тўлаши, Майамидаги дангиллама уйи, қимматбаҳо BMW автомобили, қўл соатлари ва заргарлик буюмлари тўплами баҳрдан ҳам ўтишига тўғри келди.

## TEKNOLOGIYALAR



(Давоми. Бошланғиши 1-бетда.)

Шак-шубҳасиз, бу ўзгаришлар инсониятнинг катта ютуғи ҳисобланади. Бундан ўн йилча аввал ақлимизга сизмаган қулайликларни ахборот технологиялари ёрдамида бугун амалда қўллаб турибмиз. Авваллари узоқ қишлоқлардаги қариндош-уруғлар тўю маъракаларга бирма-бир бориб айтиб келинган бўлса, ҳозир мобил қўнғироқ мушқулоти ҳал қилипти. Таълим тизимида компьютер технологиялари кўмағида ўқув услублари мукамаллашиб бормоқда. Агар аввал фақат информатика дари орқали электрон ҳисоблаш машиналари ҳақида эшитган бўлсак, ҳозирги кунда ҳар бир фани мукамал ўрганишда компьютер техникасидан фойдаланиш жорий этилмоқда. Бу мисоллар турмушимизда ахборот технологияларининг қанчалик ўрин тутатганидан бир кўриниш, ҳолос. АҚТнинг иқтисодийнинг барча тармоқларида: sanoat, бошқарув, банк иши, савдо ва бошқа соҳалардаги иштироки сўз билан таърифлаб бўлмайдиган даражада аҳамият касб этиб бўлган. Буни ҳар қандай соҳа вакили, ҳар бир ходим ўз иш фаолиятидан келиб чиқиб таҳлил қилиб кўриши, технологияларнинг фаолиятидаги кўмагини тарозига қўйиб кўриши мумкин. Ишончим комил — тарозининг шу технологиялар фойдаси жамланган палласи анча тош босади. Лекин...

Нур бор жойда соя бўлиши каби фойда бор жойда зарар ҳам бўлади. Замонавий технологияларнинг, жумладан, ахборот технологияларининг асосий салбий оқибати — инсон саломатлиги билан боғлиқ. Айтиш мумкинки, бу зарардан технологияларни чеклаш орқали қутулиш — иқтисодий зарарни келтириб чиқаради. Хуллас, атрофимизни ўраб турган экран ва дисплейларсиз бундан бўёғига ҳаётимизни тасаввур эта олмаемиз. Тараққиёт қонуни бу. Ҳўш, унда нима қилиш керак?

Энг аввало, тартиб ва қоидалар, меъёрга амал қилишни ўрганишимиз зарур. Хорижлик олимлар телевизорнинг инсон, айниқса, болалар организмга қанчалик салбий таъсир кўрсатишини ўрганиб чиқишган. Уларнинг таъкидлашчида, ТВ олдида кўп ўтирган болала камҳаракатлилик оқибатида вазнининг меъъридан ортиши, иммунитетнинг суъсайиши, юрак ва кўз касалликлари, мудлатидан аввал балоғатга етиш, ақлий қолоқлик каби кўплаб муаммолар келиб чиқиши мумкин экан. **Муаммонинг ечими сифатида олимлар кўндаларнинг тавсия этишди — болани икки-уч ёшгача ТВ олдида умуман яқинлаштирмаслик, уч ёшдан беш ёшгача бўлган болалар ота-она назорати остида ярим соат сифатли болалар кўрсатувини кўриши, 5 ёшдан 12 ёшгачаларга бир соат, то болотга ёшгача эса 1,5 — 2 соат ТВ кўришга рухсат берилиши керак.**

Шуни эътиборга олиш лозимки, телевизор деганда бошқа экранлар ҳам шу жумлага киради. Яъни, компьютер экранидан DVD кўриш, интер-

нет, ўйинлар ва ҳоказоларда ҳам шу каби чекловларга амал қилиниши зарур.

Агар ТВнинг бола соғлиғига зарарига (юқорида санаб ўтилган) эътибор берсангиз — уларнинг аксарияти ҳаракатсизлик ва организм фаолиятининг суъсайишига боғлиқ. Шунинг учун ота-оналар биринчи навбатда фарзандларининг жисмоний машқлар қилишига, спорт билан мунтазам шуғулланишига жиддий эътибор беришлари лозим.


шаклар билан боғлиқ. Шунингдек, бўғинларга ҳам таъсири бор. Шу сабабли, мутахассислар иш вақтида “эргайробика”, яъни компьютер микрожараҳатларига қарши машқлар бажариб туришни тавсия этишади.

Учинчидан, электромагнит тўлқинлар тарқатувчи жиҳозлар — компьютер, мобил телефон, микротўлқинли печлар ва ҳоказолар асаб ва юрак тизимларига, мия фаолиятига салбий таъсир ўтказди. Доимий равишда бир жойда ўти-



Бола технологиялар қўриқовида.

# Тараққиёт, Технология ва... Спорт



Болалар билан боғлиқ муаммони маълум даражада чеклаш орқали ҳал қилиш мумкинлиги, лекин катталар-чи? Орамизда иш тақозоси билан кунни компьютер олдида ўтказадиганлар сон кам эмас. Бундай шароитда биринчи навбатда кўзда муаммолар пайдо бўлиши эҳтимоли катта. Инсоннинг кўриш қобилияти миллионлаб йиллар давомида табиий ёруғликларга ва рангларга мослашиб, шаклланиб келган, компьютер дисплейларига эмас! Монитордаги ранглар ва тасвирлар ҳаётдагидан тубдан фарқ қилади, шунинг учун ҳам кўзда муаммолар пайдо бўлиши ҳеч гап эмас.

Иккинчидан, компьютер олдида кўп вақтини ўтказадиган кишиларда микрожараҳатлар пайдо бўлиши мумкин. Асорат бирдангина ўзини кўрсатмайди, кунлик толиқлар, зўриқишлардан бу жараҳатлар ортирилиб борилади. Оғриқни сезадиган даражага етгунча бир неча ойлар ўтиши мумкин. Жараҳатларнинг асосий қисми — му-

риб ишлаш, пулт орқали кунбўйи ТВ томоша қилиш оқибатида камҳаракатлилик, семиршиш, қонда холестерин миқдорининг ошиши, мушаклардаги заифлик ва ҳоказолар хавф солади.

**Бу муаммолардан тўғридан-тўғри қочиб қутулиш мушқул. Сабаби — технологиялар иншимизни енгиллаштиришга хизмат қилипти. Қолаверса, мобил телефон ёки компьютерга боғланиб қолганлардан бу технологиялардан фойдаланмасликни талаб қилиш ақлга сизмайдиغان иш. Шундай экан, муқобил йўлни танлашга тўғри келади.** Бу шундай йўлки, ишимизда, турмушимизда ахборот технологияларидан фойдаланишда давом этаверамиз. Зарарли оқибатларни эса спорт орқали бартараф этиш мумкин. Хуллас, “технологиялар + спорт = соғлом ҳаёт” қондаси юзага келади. Камҳаракатлиликка, организмнинг заифлашувиغا йўл қўймайликнинг битта йўли — спорт билан мунтазам шуғулланишдир.

Спортнинг, жисмоний тарбиянинг организмизга фойдали жиҳатларини санаб ўтиш шарт бўлмас керак. Бу ҳақда кўп эшитганмиз. Фақат бир жиҳатни эсдан чиқармаслик керак: оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланмайдиган ўрта ёшли киши бир суткада 2800-3200 килокалория энергия сарфлайди. Аёллар кўрсатилган килокалориядан 15-20 фоиз кам энергия сарфлашади. Ёш ўтиши билан бу кўрсаткич камайиб бораверади. **Бир жойда ўтириб ишлаш, компьютер ва телевизор олдида кунни ўтказувчилар бундан ҳам кам энергия сарфлайди. Натияжада организмда ортиқча калориялар йиғила бошлайди. Улардан ҳалос бўлишнинг асосий йўли ҳам жисмоний тарбияга боғлиқ.**

Аввало, спорт билан ёки олдий жисмоний машқлар билан шуғулланишни ҳар бир киши ўзи учун ўзи ҳал қилади. Агар ёшлардан спортга қўнмика бўлса, янаям осон (шунинг учун болаларнинг спорт билан шуғулланишига беъэтибор қарамаслик керак). Машғулотлар қийнаб қўймайди ва зўрма-зўраки ўтмаслиги учун ҳар ким ўзига ёққан спорт турини танлаши зарур. Спорт билан мунтазам шуғулланишга шароит ва вақт топа олмайдиганлар (айниқса, аёллар) уй шароитида ҳар кун 15-20 дақиқа балангарбия машқларини бажариши ҳам етарлидир.

**Ходимларнинг саломатлиги — иш уюмдорлигининг гарови. Ишчиларнинг спорт билан шуғулланишидан корхоналар ҳам манфаатдор.** Демакки, корхона ва ташкилотлар мутахассислари ўз ходимларининг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратилиши ҳам ўйлаши керак. Бу кўп нарса талаб этмайди — битта каттароқ хонада ёники корхона биноси ертўласида олдийгина тренажёр залини ташкил этиш, ходимлар ўртасида спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш кабилар учун катта микдордаги маблағ кетмайди. Акс ҳолда, ходимларнинг соғлиғини йўқотиши

корхонага қимматроққа тушиши мумкин. Шу ўринда бир мисол: АҚШда компьютер касалликларидан зарар кўрган ходимларнинг соғлиғини тиклаш учун ҳар йили 100 миллиард доллардан ортиқ ҳақ тўланади. Бунга мутахассиснинг иш самараси камайиши қўшилса, зарар янада йирикроқ тус олади.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида спортни тарғиб этиш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга ошириляпти. Ҳар йили соҳа корхоналари ходимлари, уларнинг фарзандлари иштирокида спартакиадалар, мини-футбол мусобақалари мунтазам ўтказиб келинапти. Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши томонидан ҳар бир корхонада спортга эътибор қаратилиши, керакли спорт инвентарларига эга бўлиши лозимлиги юзасидан тавсиялар, кўрсатмалар бериб бориляпти. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Соҳамиз мини-футбол деярли профессионал даражага кўтарилди. ТАТУ талабалари, соҳа корхоналари ходимлари орасида қатор спорт турлари бўйича мамлакат чемпионлари, Осиё ва Жаҳон чемпионатлари совриндорлари бор. Лекин бу билан чекланиб қолмасликни истардик. Аксарият корхоналарда ҳамон имкониятлардан унумли фойдаланилгани йўқ. Шароитлар бўлса-да, спорт заллари ташкил этилмаган. Ушбу масала, айниқса, алоқа ва ахборотлаштириш тизимида кўпроқ алоқадор эканлигини ҳисобга олсак, ходимлар ўртасида спортни тарғиб этишга ҳар бир раҳбар масъуллигини, мутахассислар эса ўз соғлиғига бефарқ қарамасликларни лозимлигини чуқурроқ англаб этиши керак бўлади.

Ҳар ким тараққиёт, технологиялар ютуқларидан унумли фойдаланишга ҳақли ва... унинг зарарлари “қўрқинчи” кўриниш олмаслиги учун спорт билан мунтазам шуғулланиши зарур!



14-15 января 2010 г. в целях внедрения сбора кадастровой информации в электронном виде Службой Государственного кадастра объектов связи (ГКОС) УзАСИ при ГУП «UNICON. UZ» состоялся обучающий семинар на тему: «Использование автоматизированной системы сбора кадастровой информации на предприятиях связи».

## АВТОМАТИЗИРОВАННАЯ СИСТЕМА СБОРА КАДАСТРОВОЙ ИНФОРМАЦИИ

Сегодня в службе ГКОС Центра ведется работа в двух направлениях: система кадастровых объектов почтовой связи и система кадастровых объектов телекоммуникаций. Системы адаптированы к требованиям новой редакции действующего нормативного документа. В связи с этим служба ГКОС провела семинар для уполномоченных лиц ОАО «Узбекистон почтаси» и АК «Узбектелеком».

На семинаре приняли участие уполномоченные лица по ведению кадастра компаний, организаций и предприятий телекоммуникации и оказывающих услуги почтовой связи.

Начальник Службы ГКОС Р.Сайфуллин ознакомил участников о разработанной в ГУП «UNICON.UZ» автоматизированной системе ГКОС и правилах ее ведения. Он остановился на перспективе развития отрасли с применением ГИС-технологий и использования геоинформационной системы Arc-GIS на предприятиях отрасли связи.

Специалистами предприятий предоставлены на CD носителе модули обработки файлов-отчетов кадастровой системы объектов связи «КАДАСТР ОС» и рассмотрены приемы работы с данными.

В ходе семинара участниками обсуждены вопросы наиболее часто встречаемых неточностей в предоставляемой кадастровой информации за 2008 год, а также использования картографического материала для организации ГИС объектов связи.

Аси.uz

# ПОВЫШЕНИЕ КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ФИЛИАЛОВ

Открывая учебный процесс, генеральный директор АК «Узбектелеком» Ш.Садиков отметил, что повышение квалификации и переподготовка менеджмента на уровне руководителей структурных подразделений является одной из актуальнейших задач компании.

Программа курсов повышения квалификации руководителей филиалов насыщена и разнообразна.

В ходе занятий руководителям филиалов компании высококвалифицированными преподавателями представлен цикл лекций в том числе:

Преподавателем ТУИТ, профессором Ж.Ибодовым на темы «Политическая ситуация в мире и в Центральной Азии», «2010 год — Год гармонично развитого поколения, Государственная программа развития молодого поколения»;

Преподаватель Ташкентского филиала Российской Экономической Академии им. Г.В.Плеханова, кандидат экономических наук А.Михайлов, представит цикл лекций «Эффективный маркетинг телекоммуникационных услуг: практический опыт, методы и мероприятия для повышения конкурентоспособности и прибыли», где будут освещены темы по вопросам: маркетинга, видов рынков, показателей измерения конкурентной среды и др.;

Для руководителей структурных подразделений компании преподаватель Республической ассоциации бухгалтеров У.Шокаримова, прочтет лекции

На базе филиала «Инженерно-технического центра» (ИТЦ) АК «Узбектелеком» организовано проведение учебного курса «Повышение квалификации руководителей филиалов АК «Узбектелеком».



на тему «Бухгалтерский учет, анализ и управления финансами», «Сущность и объекты финансового анализа»;

Генеральный директор TQM — Consult Н.Алиева прочтет цикл лекций на тему «Система менеджмента качества ISO 9001 в системе телекоммуникаций», «Роль руководителей в системе менеджмента качества»;

Преподаватель Российской экономической академии им. Г.В.Плеханова, Р.Муминова прочтет лекцию по теме «Оптимальная организационная структура предприятия и система оплаты труда сотрудников — эффективный антикризисный рычаг»;

Преподаватель Российской экономической академии им. Г.В.Плеханова, кандидат экономических наук А.М.Григорьева прочтет лекцию по теме «Прогноз, планирование и управление хозяйственной деятельностью предприятий»;

Профессор ТГЭИ Л.Шибаршова прочтет лекцию по теме «Тарифы услуг телекоммуникаций. Роль цены как элемента конкурентной стратегии организаций».

Программой тренинга также предусмотрен цикл лекций, который представят специалисты крупных компаний — производителей телекоммуникационного оборудования. Ими будут представлены доклады о направлениях развития сферы ИКТ, новых технологиях и решениях: «Тенденция перехода сетей ТФОП к сетям IMS», «Широкополосные сети абонентского доступа и бизнес-модели предоставления услуг», «Технологии фиксированной и беспроводной связи для транспортных сетей Metro Ethernet. Технология решения Корпорации NEC для сетей оптического доступа GE-PON» и др.

Пресс-служба АК «Узбектелеком»

## MICROSOFT СОКРАТИТ ВРЕМЯ ХРАНЕНИЯ IP-АДРЕСОВ

Компания Microsoft планирует сократить с 18 месяцев до полугода время хранения IP-адресов пользователей, обращающихся к поисковой системе Bing. Модернизация поисковой политики Bing займет от 12 до 18 месяцев.



Изменения вызваны давлением Еврокомиссии, обеспокоенной вопросами конфиденциальности частной жизни пользователей. Невзирая на то что IP-адрес нельзя четко привязать к конкретному человеку, он может идентифицировать используемый компьютер или телефон, а значит, повысить шанс точного определения личности.

## НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

### РОССИЯ ВЫШЛА НА ПЕРВОЕ МЕСТО ПО ИНТЕНСИВНОСТИ КИБЕРАТАК

По объему генерируемого во время компьютерных атак трафика на первое место вышла Россия с долей в 13%. За ней в рейтинге интенсивности кибератак следуют Бразилия (8,6%), Соединенные Штаты (6,9%), Китай (6,5%) и Италия (5,4%). Во втором квартале прошлого года первую и вторую строки удерживали США и КНР.

Такие данные приводятся в очередном отчете State of the Internet компании Akamai, в котором приводятся итоги анализа мирового интернет-рынка.

### ПОЛИЦИЯ ШОТЛАНДИИ ХОЧЕТ ИСПОЛЬЗОВАТЬ 3D-ТЕХНОЛОГИИ

В Шотландском управлении полицейских служб появилось новое подразделение, которое будет реконструировать и визуализировать место и обстоятельства совершения преступления, используя анимацию и 3D-технологии. Подобная методика уже была успешно опробована при расследовании нескольких громких убийств.

Система будет доступна полицейским по всей Шотландии. На виртуальное место преступления можно будет «доставлять» детективов, адвокатов,

присяжных и судей, которые смогут совершать «интерактивные туры», не покидая рабочих мест. Значительно облегчится процесс предъявления доказательств и отпадет необходимость в длинных словесных описаниях и пространственных свидетельских показаниях в суде.

Генеральный стюардич (заместитель генпрокурора по делам Шотландии) Фрэнк Малхолланд полагает, что с помощью 3D-изображений станет проще демонстрировать присяжным улики и доказательства обвинения.

## ГЕОГРАФИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО РОУМИНГА ОТ «МТС-УЗБЕКИСТАН» ЗНАЧИТЕЛЬНО РАСШИРИЛАСЬ

Крупнейший оператор сотовой связи Узбекистана «МТС-Узбекистан» сообщает, что в декабре 2009 года к списку роуминг-партнеров добавилось 5 новых операторов.



В декабре 2009 года услуга международного 3G-роуминга стала доступна абонентам «МТС-Узбекистан» в сетях еще 2 операторов: Viettel (Вьетнам) и Azerfon (Азербайджан).

В настоящее время абоненты «МТС-Узбекистан», имеющие телефоны с поддержкой стандарта UMTS (HSDPA), могут получить доступ к высокоскоростной передаче данных, используя 3G-роуминг в сетях 37 операторов в 31 стране мира.

Кроме того, стало возможным пользование услугой GPRS-роуминга в сетях компаний Vodafone (Испания), KTF (Южная Корея) и Vodafone (Египет). Таким образом, на сегодняшний день GPRS-роуминг стал доступен абонентам компании в сети 104 операторов в 62 странах мира.


Также абоненты «МТС-Узбекистан» могут воспользоваться услугой международного голосового роуминга в сетях 316 операторов-партнеров МТС в 171 стране мира.



# Хабар + tv

## ОЗБОҒОН

5.55 Курсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»  
7.00 «Илҳим»  
7.10 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳларида»  
8.00 «Таҳлиннома»  
8.45 - 9.25 «Машъаянат» дастури.  
• Болалар сайёраси.  
9.25 «Болалар дунёси»  
9.45 «Табият китоби»  
9.55 «Муҳаббат вальси», Т/с  
10.35 «Сизнинг адвокатингиз»  
11.00 «Ахборот»  
11.15 «Саҳаатта мархаб»  
11.40 «Тасавву раиғлари»  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон»  
12.50 «Илҳим»  
13.00 Миллий кино: «Ораулар ортида»  
14.00 «Ахборот»  
14.20 «Ватанпарвар»  
15.00 «Слам ва одам» дастури:  
• Тирк сайёра»  
16.00 «Шарк тароналари»  
16.15 «Очун»  
16.25 «Стандарт ва сифат»  
16.40 «Икки дарё оралиғида»  
17.00 «Ахборот»  
17.15 «Ҳаёт ва кунин»  
• Болалар сайёраси:  
17.35 «Эртаклар - яшилликка элвадр»  
17.55 «Сизнинг адвокатингиз»  
18.05 «Олтин мерос»  
18.15 Миллий сериал: «Умр манзаралари»  
18.55 «Менинг оилам»  
19.00 «ТВ - шифо»  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот», /рус/  
20.10 Миллий сериал: «Ҳаёт хиллари»  
20.45 «Батанимани куйлайман»  
21.00 «Ахборот»  
21.35 2010 йил - Баркамол авлод йили.  
«Мен вилҳиман»  
21.50 «Муҳаббат вальси», Т/с  
23.00 «Илҳим»  
23.10 «Турдон», Б/ф, 1-қисм.  
24.00 - 00.10 Тунги наволар.  
«Ўзбекистон»  
00.10 Курсатувлар дастури.  
00.15 «Тасавву раиғлари»  
00.30 «Олтин мерос»  
00.40 «Саҳаатта мархаб»  
1.00 «Ахборот» /рус/  
1.30 «Салом, ёшлар»  
2.05 «Менинг оилам»  
2.30 - 3.10 «Машъаянат» дастури.  
3.10 «Ватанпарвар»  
3.50 «Нафосат олами»  
4.00 «Ахборот»  
4.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳларида»  
5.20 «Икки дарё оралиғида»  
5.40 - 5.55 Тонги наволар.



## ДУШАНБА — 25 ЯНВАР

12.55 «Ўзбек адабиёти»  
13.00 «ДАВР». Ҳафта якуни.  
13.30 «Даврининг боласи»  
14.00 «Миллий мультфильм»  
14.00 «Салом, ёшлар!»  
14.30 «Икки кештаби»  
15.10 «Шарк оҳанглари»  
15.55 «Баркамол авлод»  
16.00 «ДАВР»  
16.10 «Даврининг боласи»  
16.20 «Ок ит, Қора ит», М/с.  
16.40 «Биология дарси»  
16.50 «Қишлоқдаги тенгдошим»  
17.00 «Ғанга ва Жамна», Б/ф, 1-қисм.  
18.30 «Хангбаш наволар»  
18.35 2010 - Баркамол авлод йили.  
18.50 «ЎЗЕХ»  
18.55 «Баркамоллик сари»  
19.00 «ДАВР»  
19.30 «Савги стратегияси», Т/с.  
20.20 «Англатуралъ»  
20.40 «Хиком»  
21.00 «Телегужа»  
21.05 «Шерорак», Т/с.  
21.55 «Тасавву»  
22.00 «ДАВР»  
22.30 «Қиш ҳаёли»  
22.40 Миллий сериал: «Қалдир-очлар яна кайтиди»  
23.40 «Ер ости мўъжизаси»  
00.10 «Афсона ва ҳақиқат»  
1.00 «Орт тинчлиги»  
7.25 Курсатувлар тартиби.  
7.30 «Салом, Тошкент»  
8.30 «Катта булишини хоҳламайман», Б/ф.  
9.45 Муаммо наволар.  
9.55 «Эсмэралда», Т/с, 8-қисм.  
9.25 «Алпомисл», М/ф, 6-қисм.  
10.35 «Карвонсарой»  
10.45 «Лиратские острова», Т/с /рус/, 1-қисм.  
11.15 «Саргузаштлар ороли»  
11.40 «Оила сирлари», Б/ф.  
13.00 «Салом, Тошкент»  
14.00 «Дунё теледастури»  
14.55 «Уларим»  
15.00 «Пойтахт»  
15.15 «Эсмэралда», Т/с, 9-қисм.  
15.45 «Ноилж сайёдалар», Х/ф, 1-қисм.  
16.35 «Гарди фаршталар мамлакатиди», М/ф, 1-қисм.  
17.25 «Карвонсарой»  
17.35 «Хукулунос маслаҳати»  
17.40 «Тошкентда латифа»  
17.50 «Уларим»  
18.00 «Пойтахт»  
18.25 «Эгизаклар», Т/с 3-қисм.  
19.20 «Тошкентнинг илм манзаралари»  
19.30 Миллий сериал: «Муҳаббатим қисмати», 8-қисм.  
20.00 «Пойтахт»  
20.20 Бизнес-«Пойтахт»  
20.25 «Анжир ёлғон», Т/с.  
21.30 «Аёл қалби»  
21.25 Муаммо наволар.  
21.30 «Пойтахт», /рус/  
21.50 «Будьте здоровы»  
22.00 «Кино SMS со звездами»  
22.10-23.40 «Невозуки», Х/ф.



Сериал.  
10.00 «ПрофРинг»  
10.50 - 12.30 Футбол. Жаҳон чемпиони. У-29  
3 - йил учун Венгрия - Коста Рика  
18.00 «Болалар майдончаси»  
18.10 Футбол. Испания чемпиони шарҳи.  
18.30 «Хабарлар» (рус тили)  
18.35 Волейбол. Ўзбекистон чемпиони.  
19.55 Биатлон. Кубок мира.  
20.40 «Футбол шарҳи»  
21.10 «Чемпионлик орузи»  
21.40 «Хабарлар» (узб. тили)  
22.05 Интерфутбол.  
23.40 Теннис. Австралия очик чемпиони.  
00.40 «Тунгингиз осуда бўлсин!»

## БИРИНЧИ

04.00 08.05 «Доброге утро»  
08.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.00  
Новости  
08.30 Малахов +  
09.30 Модный приговор  
10.25 Контрольная закупка  
11.20 «Уютное»  
12.20 «Детектив»  
13.25 Понять. Простить  
14.15 Т/с «Обручальное кольцо»  
15.05 «Давай поженимся!»  
16.00 Федеральный судья  
17.15, 22.30 Т/с «Школа»  
17.50 Т/с «След»  
18.35 «Жди меня»  
19.20 Т/с «Спальный район»  
20.00 «Время»  
20.30 Т/с «И всё-таки я люблю...»  
21.30 «Особый источник в Москве»  
23.10 «Познер»  
00.15 Генчи и злодеи

## РОССИЯ 1

11.50, 14.50 Х/ф «Когда на юг уезжал журавли»  
13.40, 17.50 Дежурная часть  
14.00, 17.00, 20.00 Вести.  
14.30, 17.30, 20.30 Москва.  
16.30 «Кулгичи и партнеры»  
18.00 Т/с «Кармелита»  
19.00 Т/с «Слово женщине»  
20.30 Вести.  
20.50 «Спокойной ночи, малыши!»  
21.00 Т/с «Райские яблочки»  
22.50 «Городок»  
23.50 «Вести»  
00.10 Х/ф «Свихнувшиеся»  
01.45 Х/ф «Призраки Миссисипи»


## НТВ

05.55 Т/с «Королева Марго»  
07.00 «Сегодня утром»  
08.30 «Кулинерный поединок»  
09.30 ЧП. Обзор за неделю.  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.15  
Сегодня.  
10.20 «Средний класс»  
11.00 Т/с «Мангуст»  
12.50 Суд присяжных.  
13.30 Т/с «Закон и порядок»  
15.30, 18.30 Обзор.  
16.30 Т/с «Возвращение Мухоморова-2»  
19.30 Т/с «Паутина-3»  
21.30 Т/с «Последнее путешествие Сиддаба»

23.35 Х/ф «Ямакиси»  
01.15 «Роковой день»

## РОССИЯ К


07.00 «Евроночь»  
10.00, 15.30, 19.30, 23.50 Новости культуры.  
10.20 Художественные музеи  
10.55 Х/ф «Маяк на краю света»  
13.10 «Мой Эрмитаж»  
13.45 Телеспектакль «Маленькая девочка»  
15.35 «Моя жизнь»  
16.05 Мультфильмы  
16.20 Т/с «Волшебное дерево»  
16.50, 01.40 Д/с «Наедине с природой»  
17.20, 02.10 Д/ф «Гвардейский кортеж»  
17.50 Энциклопедия  
18.00 Д/ф «Жаклин Дюпре. Какой она была?»  
19.05 «В главной роли...»  
19.50 Страна.  
20.30 Актуальный спук.  
21.10 Д/ф «Доктор Чезов. Раггет без смерти»  
22.05 «Тем временем»  
23.00 00.00 Год России-Франция 2010.



09.00 Т/с «Герои»  
08.55 15.30 Мультсериалы  
09.30, 11.30, 18.30, 21.00 Т/с «Пальцы дочки»  
10.30, 22.00 Т/с «Воронины»  
11.00, 02.00 «6 кадров»  
12.00, 14.00, 19.30 «Галилео»  
13.00 Т/с «Моя прекрасная няня»  
14.30 Т/с «Шаг за шагом»  
17.30 Т/с «Сабрина - маленькая ведьма»  
18.00 Т/с «Волшебники из Вэйверли-Плейс»  
19.55 Т/с «Девы молодёжки»  
23.00 Т/с «Миргород»  
00.00 Х/ф «Быстрый и мертвый»




08.00 Т/с «Чудеса.COM»  
09.00 Мультфильмы  
11.00, 19.00 Т/с «Удивительные странствия Геракла»  
12.00, 02.00 Т/с «Звездные врата. Атака титан»  
13.00 Т/с «День рождения Буржуя»  
14.00 Д/ф «Тайные знаки»  
15.00 Д/ф «Затерянные миры»  
16.00 Х/ф «Кентервильское привидение»  
18.00 Т/с «На краю вселенной»  
20.00 Т/с «Тайные знаки»  
21.00 Т/с «Огорающая с призраками»  
22.00 Д/ф «Тайные знаки»  
23.00 Т/с «Охотники за чужими»  
Профилактика



05.00 «Необъяснимо, но факт»  
07.00, 13.30 «Такси»  
07.35, 11.30 Мультсериалы  
08.30 «COSMOPOLITAN»  
09.30, 10.00, 20.00, 20.30 Т/с «Универ»  
10.30, 11.00, 18.00, 18.30 Т/с «Счастливы вместе»  
14.00 «Саша + Маша»  
14.30, 00.30 «Атака клоунов»  
15.00 «Битва экстрасенсов»  
16.00 Х/ф «Война драконов»  
19.00, 19.30 «Женская лига»  
21.00 Х/ф «Счастье - мужина»  
23.00 «Дом 2»  
01.00 «Интуиция»






5.55 Курсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»  
7.00 «Иклим».  
7.10 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».  
8.00 «Ахборот».  
8.40 - 9.20 «Машнавият» дастури.  
«Болалар сайёраси»:  
9.20 «Бизнинг кутубона».  
9.30 Фаргона вилояти телерадиокомпанияси намойиш э田ди:  
1. «Барқомол авлод».  
2. «Мариялон қийиқлари».  
9.50 «Мухаббат вальси»./Т.с.  
11.00 «Ахборот».  
11.10 «ТВ - шифкор».  
11.18 Миллий сериал: «Хайт жилавлари».  
11.50 «Ахборот»./инглиз/  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон»  
12.50 «Иклим».  
13.00 Миллий сериал: «Умр мензаралари».  
«Болалар сайёраси»:  
13.35 «Андросен эртақлари»./М.с.  
14.00 «Ахборот».  
14.20 «Ойдин хайт»./Ток-шоу.  
15.05 «Олам ва одам» дастури:  
«Тириж сайёра».  
16.00 «Тезкор хабарлар».  
16.15 «Мен ёшликоман».  
16.30 «Сун».  
16.40 «Икки дарё оралигида».  
17.00 «Ахборот».  
17.15 «Худудлар хайти».  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар - яшилликка етаклар».  
17.55 «ТВ - бизнес хабарлари».  
18.00 «Олтин мерос».  
18.10 Миллий сериал: «Умр мензаралари».  
18.45 «Кун мавзуси».  
19.00 «Навийчи англаш».  
19.20 «ТВ - шифкор».  
19.25, 20.00, 20.55 Ўнчоллар.  
19.30 «Ахборот»./рус/  
20.05 Миллий сериал: «Хайт жилавлари».  
20.40 «Ваганимин куйлайман».  
21.00 «Ахборот».  
21.35 «Одамлар бери».  
21.55 «Мухаббат вальси»./Т.с.  
22.55 «Иклим».  
23.05 «Турфон»./Б.ф. 2-қисм.  
23.55 - 00.05 Тунги наволар.  
«Ўзбекистон».  
00.05 Курсатувлар дастури.  
00.10 «Чемпион».  
00.30 «Мен ёшликоман».  
00.45 «Ортин бўйлаб» дастури:  
«Чашмалар».  
1.00 «Ахборот»./рус/  
1.30 «Салом, ёшлар»  
2.00 «Олтин мерос»  
2.10 «Навийчи англаш»  
2.30 - 3.10 «Машнавият» дастури.  
3.10 «Ойдин хайт»./Ток-шоу.  
4.00 «Ахборот».  
4.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».  
5.20 «Икки дарё оралигида».  
5.40 - 5.55 Тонги наволар.



6.55 Дастуринг очилиши.  
7.00 «Салом, ёшлар»  
7.30 «Давринг боласи».  
7.40 «Мультиплатина».  
8.00 Миллий сериал: «Чорраҳаларида».  
8.35 «Тасвир ва тасвурот».  
8.55 «Навий хазиначи».  
9.00 «Шерюррак»./Т.с.  
9.50 «ЎзЕх».  
9.55 «Мухаббат изхори».  
10.00 «ДАВР».  
10.10 Наманган вилоят телерадиокомпанияси такдим


э田ди: «Наманган сўзаналари».  
10.30 «Мўъжизавий дунё».  
11.20 «Қушлар олами»./Т.ф.  
11.50 «Олтин турпоқ».  
12.00 «Севги стратегияси»./Т.с.  
12.50 «ЎзЕх».  
12.55 «Ўзбек адабиети».  
13.00 «ДАВР».  
13.10 «Давринг боласи».  
13.20 «Миллий мультифильм».  
13.40 «Сирли ўрмонча».  
14.00 «Салом, ёшлар».  
14.30 «KINOMANIYA».  
15.00 2010 - Барқомол авлод  
Йилли: «Китоб - отқоб».  
15.10 «Илҳом қанотлари».  
15.55 «Барқомолик сари».  
16.00 «ДАВР».  
16.10 «Давринг боласи».  
16.20 «Ок ит, Кора ит»./М.с.  
16.40 «Биология дарси».  
16.50 «Болалар табассуми».  
17.00 «Анга ва Жанна»./Б.ф. 2-қисм.  
18.30 «Қуш хайли».  
18.50 «ЎзЕх».  
18.55 «Барқомол авлод».  
19.00 «ДАВР».  
19.30 «Севги стратегияси»./Т.с.  
20.20 «Қушқол тараққийоти».  
20.40 2010 - Барқомол авлод  
Йилли: «Соғлиқ - бойлиқ».  
21.00 «Телетуҳфа».  
21.05 «Шерюррак»./Т.с.  
21.55 «Таскин».  
22.00 «ДАВР».  
22.05 «Сочин қорлари».  
22.40 Миллий сериал:  
«Қалдиричлар яна қайтади».  
23.40 «Ер ости мўъжизаси».  
00.10 «Арфона ва ҳақиқат».  
1.00 «Орт тинчилиги».



7.25 Курсатувлар тартиби.  
7.30 «Салом, Тошкент»  
8.30 Бизнес-«Пойтахт».  
8.35 Мумтоз наволар.  
8.40 «Эсмэральда»./Т.с. 9-қисм.  
9.10 «Банан лакаби йўлбарсча»./М.ф. 1-қисм.  
9.20 «Карвонсарой».  
9.30 «Пойтахт».  
9.40 Миллий сериал: «Мухаббатим қисматим»./В-қисм.  
10.10 «Аёл қалби».  
10.30 «Пойтахт»./рус/  
10.40 «Гиратские острова»./Т.с./рус/  
2-қисм.  
11.05 «Репортаж»./рус/  
11.15 «Будите здоровы».  
11.25 «Бощиш чавандоз»./Б.ф.  
13.00 «Салом, Тошкент»  
14.00 «Дунё» телерадиостури.  
14.55 «Ўйларим».  
15.00 «Пойтахт».  
15.15 «Эсмэральда»./Т.с. 10-қисм.  
15.45 «Ноилж сайёдалар»./Х.ф. 2-қисм.  
16.35 «Гарри фаршталар мамлакатиди»./М.ф. 2-қисм.  
17.00 «Карвонсарой».  
17.10 «Ўзбек таомлари»./Т.ф.  
17.35 «Истеъдод».  
17.50 «Ўйларим».  
18.05 «Пойтахт».  
18.25 «Эпизодлар»./Т.с. 4-қисм.  
19.20 «Ўйма»  
19.30 Миллий сериал:  
09.00,11.00,14.10,20.10,02,25  
«Вести-Спорт»  
09.15 Лыжный спорт. Кубок  
мира. Спринт.  
11.20,04.40 Баскетбол.  
13.30 «Страна спортивная»  
14.00,20.00,  
00.00 Вести.ру.  
14.20,21.55 Хоккей с мячом.  
ЧМ.  
18.10 Биатлон.  
18.05 Футбол. Чемпионат  
Италии. «Интер» - «Милан»  
20.20 Фигурное катание. ЧЕ.  
00.20 «Неделя спорта»  
01.25 «Моя планета»

**Сешанба**

08.15 Футбол. Чемпионат  
Италии. «Юентус» - «Рома»  
08.00 «Неделя спорта»  
09.00,11.00,14.10,20.25  
00.10,03.05 «Вести-Спорт»  
09.15 Лыжный спорт. Кубок  
мира.  
10.30 «Страна спортивная»  
11.15,05.20 Баскетбол.  
13.30 «Скоростной участок»  
14.00,20.15,00.00 Вести.ру.  
14.20,21.55 Хоккей с мячом.  
ЧМ.  
16.15 Биатлон. Кубок мира.  
17.55,03.15 Хоккей. КХЛ.  
20.35 «Неделя спорта»  
21.40 «Рыбалка с Радзишев-  
ским»

ским»  
00.20 Мини-футбол. ЧЕ.

**Чоршанба**

07.05 Футбол. Чемпионат  
Италии. «Интер» - «Милан»  
09.00,11.00,14.10,20.10,02,40  
«Вести-Спорт»  
09.15 Лыжный спорт. Кубок  
мира.  
11.15 Хоккей. КХЛ.  
13.30 Футбол. Обзор мат-  
чей чемпионата Италии.  
14.00,20.00,00.00 Вести.ру.  
14.20 Мини-футбол. ЧЕ.  
16.10 Биатлон.  
17.55,03.50 Волейбол.  
20.20 «Скоростной участок»  
20.50 «Хоккей России»  
21.50 Хоккей с мячом. ЧМ.  
00.40 Футбол. Чемпионат  
Италии. «Фиорентина» -  
«Милан»

**Пайшанба**

07.05 Футбол. Чемпионат  
Италии. «Фиорентина» -  
«Милан»  
09.00,11.00,14.10,18.40,01.25,02,35  
«Вести-Спорт»  
09.15 Лыжный спорт. Кубок  
мира.  
10.10 «Рыбалка с Радзишев-  
ским»  
10.25 «Скоростной участок»  
11.15 «Хоккей России»

12.15 «Самый сильный че-  
ловек»  
13.30 «Точка отрыва»  
14.00,18.30,01.15 Вести.ру.  
14.25,23.20 Хоккей с мячом.  
ЧМ.  
16.15 Футбол. Кубок мира.  
17.55 Футбол. Обзор мат-  
чей чемпионата Италии.  
18.55,02.45 Хоккей. КХЛ.  
21.25 Мини-футбол. ЧЕ.

**Жума**

Пятница, 29 января  
07.05,14.25 Хоккей с мячом.  
ЧМ.  
09.00,11.00,14.10,20.10,02,30  
«Вести-Спорт»  
09.15 Босний. Кубок мира.  
Четверки. Транслация из  
Австрии.  
10.30 «Точка отрыва»  
11.15 Хоккей. КХЛ.  
13.45 «Рыбалка с Радзишев-  
ским»  
14.00,20.00,00.00 Вести.ру.  
15.15 Биатлон.  
18.05 Футбол. Чемпионат  
Италии. «Фиорентина» -  
«Милан»  
20.20 «Точка отрыва»  
20.55,05.00 Баскетбол.  
22.40 «Самый сильный че-  
ловек»  
00.25 Профессиональный  
бокс.

**Шанба**

Суббота, 30 января  
07.40 Волейбол.  
09.00,11.00,14.10,20.20,02,20  
«Вести-Спорт»  
09.15,20.30 Баскетбол.  
11.20 «Будь здоров!»  
11.50 Мини-футбол. ЧЕ.  
14.00,00.00 Вести.ру.  
14.20 «Задый вопрос мини-  
стру»  
15.00,17.25,22.15 Биатлон.  
16.15 Профессиональный  
бокс.  
18.25 Хоккей с мячом. ЧМ.  
00.25 Мини-футбол. ЧЕ.

**Якшанба**

06.00,20.55 Баскетбол.  
08.45,11.00,14.10,18.45,00.10  
«Вести-Спорт»  
09.00,18.55 Хоккей с мя-  
чом. ЧМ.  
11.20 «Страна спортивная»  
11.50,14.55,22.45 Биатлон.  
12.55 Легкая атлетика.  
14.00,00.00 Вести.ру.  
14.25,15.40 Фигурное ката-  
ние. ЧЕ.  
16.55,04.50 Волейбол.  
00.40 Футбол. Чемпионат  
Италии. «Юентус» - «Лацио»



Сўнгги йилларда кўпгина мамлакатларда почта бозорини эркинлаштириш анъанаси кузатиляпти. Табиийки, ҳеч ким ўз “хулуди”ни янги операторлар ва эски рақиблари билан баҳам кўришни истамайди. Трансмиллий компаниялар учун эса бу ҳаёт-мамонт масаласи. Айтايлик, хизматлари ўз мамлакати доирасида чекланган миллий операторлар асосан бир фронтда курашга киришади, энди 200дан ортик мамлакатда ўз шўъбаларини очган DHL, TNT, FedEx сингари компаниялар ахволини тасаввур қилаверинг.



# Эркин бозор ва келажак

## ГЕРМАНИЯ ПОЧТАСИ:

Колаверса, ҳар жойнинг ўз тошу тарозиси — қонунлар, сисёбат ва ҳоказо омиллар борки, ҳар қандай хорижий компания бу синовдан албатта ўтишга маҳкум. Ҳикоямиз ана шундай кучли рақобат шароитида тобланаётган компаниялардан бири — Deutsche Post AGнинг анъанавий хизматлар, экспресс-этув, логистика, молиявий хизматлар соҳасидаги янги кирралари ҳақида.

Deutsche Post — 1995 йили хусусийлаштирилган Германия федерал почтаси (Deutsche Bundespost)нинг меросхўри. Бугун у Deutsche Post DHL савдо белгиси остидаги жаҳоннинг энг йирик логистика компанияси ҳамдир. Компаниялар гуруҳи 220дан зиёд мамлакатда хизмат кўрсатувчи 470 минг ходимни бирлаштирган, штаб-квартираси собиқ пойтахт — Боннда жойлашган. Айни пайтда компания акцияларининг 35,5 фоизи KfW банкига тегишли, қолган 64,5 фоиз қимматбаҳо қоғозлар эркин муомалада (56,5 фоизи институционал инвесторларда, 8 фоизи жисмоний шахслар қўлида).

Deutsche Postнинг почта хизматлари бўлинимаси Германиядаги энг йирик тармоққа эга, яъни 14 мингта алоқа бўлими мавжуд. Бундан ташқари, чакана савдо дўконларида ҳам почта хизматлари йўлга қўйилган — мижозларга янада яқинлашиш ва иш соатларини ошириш учун шундай қилинган. Бўлима ҳафтанинг олти кунда тахминан 70 миллионгача хатларни эгаларига етказиб беради. Шунингдек, марказий бўлимлардаги ва тўрт қитъада жойлашган савдо ва ишлаб чиқариш марказлари мижозлар хизматида, 200дан зиёд мамлакат билан тўғридан-тўғри боғланилади.

Parcel Germany (Deutsche Post DHLнинг жўнатмалар бўлинимаси)нинг Германия жўнатмалар бозорига улуши DPD, Hermes, UPS ва GLS сингари кучли провайдерлар билан кескин рақобатга қарамасдан, 2008 йили яна 3 фоизга ўсиб, 38 фоизга етди. Гап шундаки, жўнатмалар бозори интернет-тижорат оммалашшига ҳамоҳанг равишда кенгаймоқда, Deutsche Post эса бу йўналишнинг

фаол иштирокчисидир.

Диалог маркетинг ва босма нашрлар тарқатиш йўналишларида немис почтасининг улуши йилга 2,1 ва 0,6 фоизга камайиб бормоқда. Мутасаддилар бу ҳолатни мижозлар реклама ва обуна харажатларини камайтиришаётгани ва албатта, рақобат билан боғлашмоқда.

Ўтган йили Deutsche Post бош директори Франк Аппел компанияни 2015 йилгача ривожлантириш стратегиясини ошкор қилганди. Унга кўра, почта хизматлари бўлинималарида хизматлар сифатини ошириш ва электрон коммуникациянинг янги маҳсулотларини татбиқ этиш асосий эътиборда бўлади.

Экспресс-этув бўлинимаси шойлинич ҳужжатлар, товарларни мавжуд йўналишларда эшикдан-эшиккача етказиб беради, барча технологик жараёнлар стандартлаштирилган. Компания тармоғи 220дан зиёд мамлакат ва ҳудудни боғлайди, бу ерда 100дан ортик ходимлар 8 миллионга мижозга тезкор хизмат кўрсатади.

Хизматлар уч йўсинда ташкилаш-

тирилган — DHL Same Day (жўнатилган куни етказиш), DHL Time Definite (белгиланган вақтда етказиш) ва DHL Day Definite (белгиланган кунда етказиш). Кўпчилик мижозлар DHLга интернет орқали буюртма беришади, Германиянинг ўзида Deutsche Post алоқа бўлиmlарига ҳам мурожаат қилиш мумкин. Эътиборли жиҳати, ҳар бир йўналишда қўшимча хизматларни почтачиларнинг ўзлари ҳам тавсия этишади. Булар жумласида сугурта қопламалари, ўраш, шанба куни жўнатиш, кечки пайт курер орқали етказиш, чекка ҳудудларга хизмат кўрсатиш, олувчининг тўловни амалга ошириши, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш каби хизматларни мисол келтириш мумкин.

Бугунги кунда Deutsche Post DHL курерлик ва экспресс-этув хизматлари кўрсатишда Европада биринчи ўринда, Марказий ва Лотин Америкаси бозорига 36 фоиз, Осиёда 34, АҚШда 9 фоиз улушга эга.

(Давоми бор.)

# Кичик мамлакатнинг улкан тажрибаси


АКТ ВА ТА'ЛИМ

**Мактабларни ахборотлаштириш, ўқув жараёнига янги технологияларни олиб кириш масаласи хатто иктисодий салоҳиятда тенгсиз, таъбир жоиз бўлса, юқори технологиялар ватани сифатида эътироф этилувчи Америка Кўшма Штатларидек мамлакат учун ҳам муаммо саналаркан. Акс холда, мустақил консультант ва давлат маслаҳатчиси Дон Тапскотт АҚШ президенти Барак Обамага Португалия тажрибасини тавсия қилмаган бўларди.**

## Муаммонинг сабаби зеркиш...

Аксарият америкалик мактаб ўқувчилари дарсларни ўзлаштиришга қийналишади. Ҳар учинчи ўқувчи билим юртини тугатмасдан тарк этади. Муниципал (бепоул) ўрта мактабларда аҳвол янада аянчли: афро ва лотин америкаликларнинг атиги ярми битирув имтиҳонларигача етиб боради. Изоҳга ҳожат йўқ: АҚШ таълим тизими ўз тарихида бунчалик қуйига шўнғимаган эди.

Ёш фуқароларнинг мактабда ўқишни истамасликлари сабаби оддий — дарслар жуда зерикарли. Америка мактабларини XXI асрга олиб ўтиш керак. 2009 йил бошларидан қатор профессионал педагогига уюшмалари мактабларни ахборот



технологиялари билан таъминлаш ва ўқитувчиларни компютерда ишлашга ўргатишни кўзда тутувчи 10 миллиард долларлик бюджетни тасдиқлашнинг сўраб Президент ва Конгрессга мурожаат билан чиқишганди.

## Португалия тажрибаси

Мазкур мамлакат ҳар бир болага ноутбук тарқатиш, интернетга улашиш имконини бериш, ҳуллас, таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи замонавий воситаларни жорий этиш глобал дастурига киришди. Дастур давлат бюджетидан ва 3G стандартида хизмат кўрсатиш лицензиясига эга мобил алоқа операторлари ҳисобидан молиялаштирилади. Бу пуллар ўқитувчилар, ўқувчилар ва талабаларга арзон ноутбук харид қилишлари учун субсидия тарзида берилди.

Ҳўш, бу тизим қандай ишлайди: дейлик, сиз ўқитувчи ёки ўқувчисиз, сиз 150 евро (207 АҚШ доллари)га ноутбук сотиб олишингиз мумкин. Кенг полсалди, симли ёки симсиз интернетга имтиёзли улашиш имконини ҳам қўлга киритасиз. Кам таъминланган оилалар фарзандлари учун

имтиёзлар янада чексиз, интернетга уланган, бироқ компютери йўқ болаларга эса ноутбуклар деярли текинга берилди. Тўлов қобилиятига эга 1-4-синф ўқувчилари учун “ноутбук+интернет” баҳоси янада арзон — 50 евро, бунга ҳам қурби етмайдиганлар учун текин. Натижада португал мактабларининг ҳар ўнтадан тўққизтасида бошланғич синф ўқувчилари учун машгулотларни компютерлар воситасида ўтилишига эришилади.

Португалияда ҳар бир мактабни кенг полсалди интернетга улаш учун жами 400 миллион евро сармоя ажратилган. Деярли ҳар бир умумтаълим мактабида интерактив синф доскалари ўрнатилган.

## Янги технологияларнинг афзалликлари

Ўқитувчи шунчаки маъруза ўқимайди, у бошқаларни ҳам “ошилтади”, мавзу кўпчилик ўртасида муҳокама қилинади.

Муаллим ўқувчиларини мустақил талқинот ўтказиш, амалий фикрлаш, турли қарашларни қиёслашга ўргатади. Ўқитувчи ўқувчиларида бутун дунёдаги тенгқурлари қатори мушоҳада юритиш кўникмасини шакллантиради.

Ва ниҳоят, ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятини ҳисобга олган ҳолда дарсларни ўтиш имконини туғилади.

Саҳифани Собит АҲАДОВ тайёрлади



## Фаоллик кўрсатиб

Ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалашда алоқа корхоналарида фаолият олиб бораётган бошланғич касабани уюшмаси кўмиталарининг ўз ўрни бор.

Кундалик ишда яхши натижаларга эришадиган ана шундай куйи бўғинлардан бири “Бухоро Телеком” филиали Когон туман телекоммуникациялар боғламасининг бошланғич касабани уюшмаси кўмитасидир. Унга Гулчехра Қўлдошев ва раислик қилиб келмоқда. Боғламада ишлайдиган 60 нафардан ортиқ ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси яхши йўлга қўйилганлиги боис аҳоли ҳамда корхона ва ташкилотларга алоқа хизмати кўрсатишда ҳам юқори натижаларга эришилмоқда.

Касаба уюшмаси кўмитаси турли сана ва байрамлар муносабати билан қатор тadbирлар ўтказишга ҳам алоҳида эътибор бериб келяпти. Ўтган йили Наврўз байрами арафасида “Балли, алоқачилар!” кўрик-танловидида боғлама ходимлари ўз билим ва маҳоратларини синаб кўрдилар. Танлов натижаларига биноан фахри 1-ўрин 4-АТС муҳандиси Санжар Бозоровга берилди. Шахмат-шашка мусобақаларида эса абонентлар бўлими оператори Феруза Қодированинг қўли баланд келди.

Шунингдек, Мустақиллик байрами, Алоқачилар кўни муносабати билан ташкил этилган тadbирлар ҳам бу ерда ана шундай кўтаринки руҳда ўтди. Саъдулла Бобоев, Абдуғаффор Раҳматов, Ҳамид Раҳматов сингари меҳнат фахрийлари тadbирларга таклиф этилиб, уларга совға-саломлар улашилди.

2010 — Баркамол авлод йили муносабати билан боғлама бошланғич касабани уюшмаси кўмитаси томонидан бир қатор ишларни амалга ошириш белгилаб қўйилган. Бу ердаги спорт майдончасини қайта таъмирлаш, тренажёрлардан фойдаланишни йўлга қўйиш, юртимизнинг ҳушманзара масканларидан бири — Шаҳрисабз шаҳрига саёҳат ташкил этиш ана шундай ишлардан ҳисобланади.

Асқар ИСТАМОВ,  
“Хабар”нинг Бухоро  
вилоятидаги мухбири

Махсус авария-тиклаш бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил топганлигига 18 йил тўлиши муносабати билан байрам тadbiri бўлиб ўтди. Уни бошқарма бошлиғи, полковник Ў.Ахмедов кириш сўзи билан очди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий ахлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишта ҳаётини ишончи ҳимоялашга қодир бўлган, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан яхши таъминланган, профессионал, ихчам ва тезкор Куролли Кучлар барпо этилган.

## Ҳарбийлар такдирландилар

Олиб борилаётган ислохотларнинг энг муҳим амалий натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбий жамоаларда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ва энг асосийси, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар бутунлай ўзгарди. Эндиликда Куролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда энг нуфузли касблардан бирига айланди.

Тadbирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳ.Муҳитдинов қатнашди ва сўзга чиқди.

Тadbирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси ФВВ ва МАТБнинг ходимлари рағбатлантириш буйруқлари ўқиб эшиттирилди ва бир гуруҳ ҳарбийлар тақдирланди.

А.САГАТОВ,  
Бошқарма бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари

➔ 2010-ЙИЛ — BARKAMOL AVLOD YILI

## Зокир Ғолиб бўлди

Баркамол авлод йили муносабати билан “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда касабани уюшмаси кўмитаси томонидан Ватан химоячилари кўнига бағишланган “Кўнук йигитлар” кўрик-танлови ўтказилди.



Ғолиблар: (чапдан) Ш.Мирзахўжаев, З.Ортиқов ва С.Мансуров.



Д.Мирҳонов актёрлик қобилиятини намоён этмоқда.



Ж.Умаров ҳам тақдирланди рақибларидан қолинмади.

Кўрик-танловда филиал тасарруфидаги боғлама-ларда фаолият олиб бораётган ёш ходимлар — Марказий ТБ 234/235-ЭАТС кабел пайвандчиси Дилмурод Мирҳонов, Собир Раҳимов ТБ 229-ЭАТС электромонтёри Жаҳонгир Умаров, Мирзо Улугбек ТБ 260/263-ЭАТС электромонтёри Сардор Мансуров, Янгиобод ТБ 290/292-ЭАТС электромонтёри Зокир Ортиқов, Чилонзор ТБ 274/275-ЭАТС электромонтёри Шерзод Мирзахўжаев, Станциялараро алоқа боғламаси кабел кавшарловчиси Нодир Қодиров, Миробод ТБ 252/256-ЭАТС электромонтёри Темура Солиҳовлар ўзaro беллашдилар.

Тўрт шарт бўйича олиб борилган беллашувни “ТШТТ” филиали директори ўринбосари А.Орифжонов раислигида филиал маркетинг бўлими етакчи муҳандиси Д.Алимова ҳамда умумий бўлим бошлиғи Ф.Қамолитдиновлардан иборат ҳайъат аъзолари баҳолаб боришди.

Йигитлар биринчи шартда беш дақиқа ичида бадий тарзда ўзларини таништирдилар. Улар бунда шерьий, мусиқий ва ҳажвий жанрлардан фойдаландилар. Иккинчи шарт эса “Бизнинг реклама” деб номланиб, иштирокчиларга ўн дақиқа мобайнида корхона рекламасини маъқул тарзда кўрсатиб бериш топширилди. Йигитлар бу шарт бўйича ҳам сахна кўринишлари орқали филиалда олиб борилаётган маркетинг ишлари, аҳолига тақдим этилаётган янги хизмат турлари ҳақида тўла маълумотга эга эканликларини намоён қилдилар. Учинчи шарт “Топган гул, топмаган бир боғ пие” деб номланди. Бу шартда йигитларнинг қаққонликлари, дизайнерлик қобилиятлари ва гўзалликка ошфўталликларини синондан ўтказилди. Улар ўн дақиқа ичида тайёрлаб қўйилган совғани гулқозоғга тез ва чиройли ўраш бўйича мусобақалашдилар.

Тўртинчи шарт эркин мавзуда бўлиб, барча йигитларнинг нафақат ўз соҳаларида, балки адабиёт, санъат ва актёрлик борасида ҳам истезодга эга эканликларига гувоҳ бўлди. Иштирокчилар таъсирли монолог ўқидилар, рақсга тушдилар, жонли кўшиқлар куйладилар. Уларнинг ҳар бир чиқишини йигилганлар қарсақлар билан олқишлаб турдилар.

Ҳар бир иштирокчининг танловга пухта тайёргарлик билан келганлиги боис ҳакамлар ҳайъатига улар маҳоратларини баҳолаш осон кечмади. Лекин танлов ўз номи билан танлов, унда кимдир ғолиб бўлиши тайин. Шундай қилиб, ҳакамлар якуний баҳоларини эълон қилди. Унга кўра, учинчи ўрин Мирзо Улугбек телефон боғламаси шарафини ҳимоя қилган Сардор Мансуровга насиб этди. Иккинчи ўринга эса Чилонзор телефон боғламаси вакили Шерзод Мирзахўжаев сазовор бўлди. Барча шартлар бўйича рақибларидан анча устунлигини кўрсата олган Янгиобод телефон боғламаси электромонтёри Зокир Ортиқов биринчи ўринни эгаллаб, мутлоқ ғолибга айланди. Ғолибларга филиал фахрий эрлиги ҳамда касабани уюшмаси кўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

— Корхонамизда турли байрамлар, муҳим саналарга бағишланган бу каби танловлар, тadbирлар ўтказиш анъанага айланган, — дейди филиал Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби, танлов ташкилотчиси Гулчехра Кенжаохунова. — Ушбу тadbирларга филиалимиз раҳбарияти доимо бош-қош. Бу сафар жойлардаги куйи бўғинларда меҳнат қилаётган ёшларни жалб қилдик. Мақсадимиз, корхонамизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар мазмун-моҳиятини барча вазифаларда ишлаётган ходимларимизга бирдек етказишдир.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,  
“Хабар” мухбири  
Муаллиф олган суратлар.



# Рустамжоннинг олтин коидаси

**Рустамжон Фаргона вилоятидаги физика ва математикага ихтисослашган иктидорли болалар мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ иктисодиёт ва телекоммуникация соҳаларига кизиқиб қолди. Бу “сирли дунё” синоатларини ўрганиш иштиёқи унга сира тинчлик бермасди.**



Фаргона давлат университетининг иктисодиёт факультетини битиргач, бир муддат “Саноатқурилишбанки”да ишлади. Сўнгра орзуси ушалиб, “Фаргона Телеком” филиалида мутахассисликдан иш бошлаб, ҳозирда иқтисод ва статистика бўлимини бошқармоқда. У меҳнатқаш, интилувчан, ташаббускор. Сўнгги йилларда филиалда қандай муваффақиятларга эришилаётган бўлса, барчасида унинг ҳисси бор. Жумладан, даромад кўрсаткичлари ошиб бораётганида, интернет хизматларидан кутилганидан ҳам кўп даромад оли-

наётганида, дебиторлик қарздорликни камайтиришдаги жонбозлиги, айниқса, диққатга сазовордир.

— Буларнинг бари учун мен устозларим Нўрмонжон Акбаров, Баҳодиржон Тешабоевлардан беҳад миннатдорман, — дейди ёш мутахассис. — Улардан меҳнатта меҳрни, аниқ режа асосида иш олиб боришни, вазиятни тўғри баҳолашни ўргандим. Улардаги билим ва камтарликдан ибрат оламан. Малакали ёш мутахассислар жамоамизда кўп. Раҳмонберди Ка-

римжонов, Жаҳонгир Турсунов, Саиджон Ўринбоев, Ўткиржон Иминжонов каби ҳамкасбларимнинг ғайрат-шижоатини кўриб ҳавасим келади. Ўздаги жами қобилиятни ва имкониятларни ишга солиб, филиал нуфузи учун курашаётганлар орасида улар кўзга ташланиб туришибди...

Рустамжон Адахонов билан суҳбатдан билдимки, у ўзи ҳақида

эмас, бошқалар ҳақида гапиришни хуш кўради.

— Мамлакатимиз раҳбарининг 2010 йилни Баркамол авлод йили деб атагани, барча ёшлар қатори мени ҳам жуда қувонтирди, — дейди у. — Бу хушхабар ҳаёлимдан ўтказиб юрган орзу-истакларимга бами-соли қанот бағишлади. Ҳаммасини айтолмайману, энг эзгу орзуим филиалга юз қарра кўпроқ фойда келтириш, АКТни янада чуқурроқ эгаллаш ва ўғилларим Исломбек ва Аҳмаджонларни юртимизнинг асл ўелонлари қилиб тарбиялаш.

Дарҳақиқат, Рустамжон, “Орзуларим сирлигича қолсин” деди. Бироқ битта “сири”ни гапларидан сезиш мумкин эди. Ҳатто уйқусида ҳам бўлим лойиҳалари ҳақида бош қотирар экан. Демак, унинг олтин коидаси бор: “Ўрган, билимингни кўпайтир ва шу аснода саяҳат қил”. Олтин коидага амал қил ва асло кам бўлма ёшлик!

Ҳафиза САЛҲОВА,  
“Хабар”нинг

Фаргона вилоятидаги мухбири

## Риср

**Ботган қуёш учун куйиниб йиғламанг, янгидан чикканида нима иш қилиш зарурлигини ўйланг.**

ДЕЙЛ КАРНЕГИ

➔ НАМКАСБЛАРИМИЗ

## Хат

### сараловчи

Ишга кирганимда ёш, ҳеч нарсага тушунмаган қиз эдим, — дейди Ҳажалхон. Мана, ўшанга ҳам 29 йил бўлибди.

Ҳажалхон Султонова 29 йилдан буён ҳар куни хат ва пул жўнатмаларини саралаб жўнатади. Кунлик олдий хат ва буюртма хатлар, пул жўнатмалари 5-6 мингтагача тўғри келади. Ҳажалхон ўзининг камтарлик ва тўғрилиги билан ҳам филиал ходимлари орасида ажралиб туради. Оилада икки фарзандни ўстириб, камолга етказмоқда. Катта қизи она изидан бориб, Андижон шаҳар почтасида хат ва пул жўнатмаларини почта бўлиmlарига жўнатади, иккинчи қизи эса мактаб ўқувчиси. Ҳажалхон ўнлаб шогирдларнинг устозидир. Унинг ибратли ишларини филиал маъмурияти муносиб тақдирлаб келмоқда. Бир неча бор фахрий ёрликлар ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Ҳажалхон кунлик ишларидан кўнгли тўлмаса, бирорта хат ёки пул жўнатмаси ноўрин сараланган бўлса, хатони тўғриламасдан уйига кетмайди.

Ҳа, Ҳажалхон Султонова ана шундай ўз касбига меҳр қўйган аёл.

Сойибназар СУЛТОНОВ  
Андижон вилояти

# Муносиб шогирд

Яқинда унинг ҳузурига бир гуруҳ кишилар келишиб, “пенсияга чиқсангиз ҳам ишлаверинг” дейишди.

— Ўн тўрт йиллик меҳнатимга эътиборларингиз учун раҳмат. Энди ёшларга навбат берайлик, ўрнимга шогирдим — Зиёдулла Рўзатовни тавсия этдим.

Янгиликдан йиғилганларнинг кўнгли таскин топди. Негаки, улар Зиёдуллани тиниб-тинчимас хабарчи сифатида жуда яхши билишарди. Хушчека алоқа бўлими почта хизмати соҳасида неки муваффақиятга эришган бўлса, унда Зиёдулланинг ҳисси катта бўлган. Полвонтош ва Лайлакхона қишлоқларидан коммунал тўловлар ундириш, пенсия ва нафақаларни кечиктирмай етказиш борасида ҳамкасби Панжибой Сафаровдан қолишмасликка интилангани кўпчилик билди.

Қолаверса, Хушчека алоқа бўлимининг янги раҳбари ҳаёт майдонида тобланган замондошларимиздан бири. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида кўшни Афғонистон тупроғида энг қийин кунларни бошдан кечирди. Ўшанда Амударё ортидаги туғилиб-ўсган юрти қанчалик гўзал кўрингани ҳеч ёдидан чиқмайди. Меҳр-оқибатни кўриб-кечиргандан кут деганларича бор. Зиёдулла хабарчилик бурчини бажараётган кезларда кекса кишиларга, ногиронларга жуда эҳтиёткорлик билан ва самимий муносабатда бўлди. Уларнинг кўнглини обод айлаш-

га уриниш қанчалик масъулиятталаб бўлмасин, бунинг удласидан чиқарди. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Қудрат бобо Қултўраев, Омон бобо Отахонов ва Мамадиджон Каримов хонадонларида бўлган чоғи кўрсатилган тезкор почта хизмати орқали уларнинг дуосини оларди. Табиб табиб эмас, бошдан ўтган табиб деганларидек, собиқ жангчилар хотираларини тинглаганда афгон юртидаги олов кечган дамлар кўз ўнгига келиб, бундай пиру бадавлат кишиларга меҳри янада ошарди. Ўз навбатида, уруш ўчоғидан эсон-омон қайтишган полвонтошлик болаларнинг мустақил юртимизда барқарор бўлиб турган тинчликка шукроналиги уни ҳамиша шундай Ватанни севиб, қадрлаб яшашга чорлагани рост.

...Зиёдулла Рўзатов куни-кеча олдий хабарчи эди. Энди эса Шўрчи почта алоқаси тармоғининг Хушчека алоқа бўлими бошлиғи. Устози Шоймардонхожи Абдуллаев ишончини оқлаши тайин. Гап шундаки, Зиёдулла элга хизмат кўрсатишдан, улар узоғини яқин, мушкулдани осон қилишгани асло чарчамайди. Қалбда меҳр чирोगи ёниб турган кишилар аслида шундай фидойи бўлади.

Нортожи ЗИЁЕВ,  
“Хабар”нинг  
Сурхондарё вилоятидаги мухбири

## Табаррук

### МОМО ДУОСИ

**Тошлок туманида юз билан юзлашган ўнлаб бобо ва момолар борки, улар туман ахли учун азиз ва мўтабардир.**

Варзақ қишлоқ фуқаро-лар йиғинида истиқомат қилувчи Ўғилой момо Шокирова шуларнинг биридир.

Табаррук онахон кўп йил давомида олдий колхозчи бўлиб ер чопган, пахта терган. Турмуш ўртоғи Муроджон бува (жойлари жаннатдан бўлсин) аравақашлик қилган.

Момонинг ўғли Алижон ва келини ҳозирда кексалик нафақасида. Улар момонинг атрафида парвона бўлиб, унинг дуосини олмоқда.

“Ҳалоллик ва поклик, тўғрилиқ — узоқ умр кўриш гарови, — дейди момо. — Истиқлол шарофати билан юртимиз қатори туманимиз ҳам янада обод бўлиб, гўзал масканга айланди. Бу беқиёс ғамхўрлик учун Юртбошимизга ва давлатимизга беҳад миннатдорчилик изҳор этаман. Илоҳим мана шундай тинч ва осуда ҳаётимиз барқарор бўлсин.

103 баҳорни кўрган момо ана шундай орзу-тилақлар ила нафас олмоқда.

Мухаммадҷон МАҲМУДОВ



TATU FILIALLARIDA

## ЭЪТИБОР ВА МАСЪУЛИЯТ

Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи бугунги кунда Президентимиз фармонлари билан қўллаб-қувватланмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида ўтказилган учрашувда айнан шу каби муҳим масалалар таҳлил қилинди.

Учрашувда филиал профессор-ўқитувчилари, талабалар ва мутахассислар иштирок этди. Йиғилишни филиал ўқув, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари М.Шарипов очиб, 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши ёшларга эътибор бўлиш билан бирга, улар зиммасига катта масъулият юклашгани, бугунги кунда аксарият йигит-қизлар ўз истейодларини намоён этиб, қутлуғ ишларга қўл ураётгани ҳақида сўзлади. Аммо шунга қарамадан, гиёҳвандликнинг тарқалиши ва ОИТСга чалиниш ҳолатлари кузатилаётгани ачинарли ҳол эканлигини таъкидлади.

Йиғилишда кўплаб маърузалар тингланди. Жумладан, "Гиёҳвандлик ва ОИВ/ОИТСнинг олдини олиш", "Соелом турмуш тарзи" мавзуларида маърузалар қилинди.

Шунингдек, талабаларга гиёҳвандлик ва унинг салбий оқибатлари тасвирланган "Гиёҳвандлик — аср вабоси" видеороликлари дисклари тақдим қилинди. Йиғилиш сўнггида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларни бердилар ва фикрларини билдирдилар.

**А.АБДУЛЛАЕВ,**  
филиал маънавият ва маърифат маркази услубчиси

### ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"Дибера" масъулияти чекланган жамиятнинг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001697 рақамли;

"МАНГИТ ТЕЛХИЗ" хусусий қорхонанинг (Қорақалпоғистон Республикаси) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002572 рақамли;

"SANIDA SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002228 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2010 йил 18 январдан тугатилди.

# Китобхонлар хизматида

**Фарғона шаҳридаги "Нодирабегим" маҳалла фуқаролар йиғинида Алоқа касб-хунар коллежи ахборот-ресурс марказининг филиали фаолият кўрсатиб келмоқда.**

АРМ бешта компьютерга эга бўлиб, у интернетга уланган. Битта нусха кўчириш аппарати, факс ишлаб турибди. 29та янги электрон дарслик бор. Маҳалланинг юзга яқин фуқароси ҳам коллеж талабалари қаторида бу нурхонага доимий аъзо бўлишган.

АРМда Маълумот-ахборот библиография фонди ташкил этилган. Унинг вазифаси ўқувчиларга янги илмий-услубий, касбий маълумотларни тез ва аниқ етказиб беришдан иборат. Ўқитувчилар ва ўқув-

чилар ўзига зарур бўлган маълумотларни шу ернинг ўзидан олишлари мумкин.

Бугунги кунда АРМ китоб жамғармаси 6398 нусхани ташкил этиб, шундан 1729 нусха умумтаълим фанларга оид адабиётлар, 1660 нусха бадиий адабиётлар, 2628 нусха махсус қўлланмалар, 322 нусха сиёсий китобларни ташкил этади, 33 номлаги илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий газета ва журналлар билан ҳам таъминланган. Марказ раҳбари Мав-

жуда Гойипова Фарғона давлат университетини битирган. Марказ ходимлари Наргиза Худойбердиева, Ойдин Тожиевалар китобхонларга беминнат хизмат кўрсатапти. Бу ерда "Устоз ва мураббийлар", "Тилга эътибор — элга эътибор", "ОИТС — ажал элчиси", "Комунимиз — қонунимиз" каби тадбирлар, айниқса, "Ўзбекистон" телерадиоканали "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатуви бошловчиси Мираббос Мирзахмедов бошчилигидаги ижодий гуруҳ билан учрашув завқли ўтди.

Ижодкорлар томонидан учрашув сўнггида саҳна кўринишлари намойиш этилди.

М.МАҲМУДОВ

### ➔ SALOMATLIK

## ЮРАК ОҒРИГАНДА...

Агар юрагингизда, кўкрак суяги остида оғриқ ва беҳузурлик ҳис қилсангиз, яхшилаб жойлашиб ўтириб олинг. Ҳар иккала қўлингизни жимжилогидан бошлаб, бармоқ учига қарата уқаланг. Сўнг ҳар бир бармоқни тирногингиз бошланган жойдан тишлаб чиқинг. Бу усул аритмиа, тахикардия ва қон босими ошганда ёрдам беради.

## ГЕМОГЛОБУЛИННИ КЎТАРИШ УЧУН

Агар гемоглобулинингиз паст бўлиб, ўзингизни қувватсиз ҳис қилсангиз, сизга мана бу усул ёрдам беради.

Олча шохчаларидан 10 см. узунликда синдириб олинг (уларни йилнинг ҳар хил пайтида олиш мумкин). Шохчалардан 6-8 тасини 1 литр қайнаган сув солинган сирли идишга солиб, 15 дақиқа паст оловда қайнатинг. Сўнгра бу дамламани идишни сочиқ билан ўраб, эрталабгача тиндириб қўйинг. Дамламани кунига уч маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин ичиш тавсия этилади. Даволаниш муддати — бир ой.

### ➔ BILASIZMI?

## ТИШИНГИЗНИНГ РАНГИ ҚАНАҚА?

Танангизда қандай касаллик борлигини тишларнинг рангига қараб ҳам билиш мумкин, дейишмоқда мутахассислар. Тишлар рангининг сариқлиги ўт пуфаги фаолиятининг бузилиши ёки кўп чекишдан далолат. Садафранг камқонликдан нишона бўлса, жигарранг иммун тизимининг сусайиб кетганлигидан дарак беради.

Тишлардаги сариқ чизиклар орқали болаликда қандай антибиотиклар қабул қилинганини билиш мумкин. Айниқса, болаликда кўп тетрациклин истеъмол қилганларнинг тишлари сарғайиб ёки қорайиб кетади. Танадаги тўқималарнинг турли минералларга етарли даражада тўйинмаганлиги ва қалқонсимон безлар фаолиятининг юқорилиги тишларни сут рангига киритади.

Шуниси қизиқчи,

Тиш чўткасининг пайдо бўлганига 500 йилдан ошди.

Хитойда "Ўз тишларига меҳр қуни" номли махсус миллий байрам ташкил этилган. Ушбу байрам ҳар йили сентябр ойининг йигирманчи кунини нишонланади.

Исаак Нютоннинг тиши 1816 йилда энг қиммат нарх — 730 фунт-стерлинг (3,2 минг долларга яқин)га сотилган.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоғистон филиали Эликқалъа почта алоқаси тармоғи жамоаси Акчақўла алоқа бўлими бошлиғи Қаландар ЗАРИПОВНИ муборак 60 ёши билан самимий қутлайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси етакчи мутахассис Дилоромхон ХАЙДАРОВНИ 50 ёши билан чин дилдан табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўриб фароғатда яшашликни тилайди.


### ➔ PAZANDA MASLANATI

## ШОЛҒОМДАН ДЎЛМА

Шолғом инсон саломатлиги учун энг фойдали маҳсулотлардан бири. Уни нафақат шўрвага солиб ёки кўрга кўмиб, балки дўлма тайёрлаб ҳам истеъмол қилиш мумкин.

Шолғомдан дўлмага кетадиган масалликлар:

10-12 дона ўртача катталикдаги шолғом, 400 гр лаҳм гўшт, 1 стакан пиширилган гуруч, 2 дона пиёз, 1 дона тухум, таъбга кўра



туз, зираворлар. 1 стакан қаймоқ ёки 150 гр сариеғ.

Шолғомларни арчйисиз ва ўртасини ўйиб, косача ясайсиз. Қиймалагичдан чиқарилган гўштга тўғралган қаймоқ, пиширилган гуруч қўшасиз ва чақилган хом тухум билан аралаштирасиз. Унга туз ва зираворлар қўшишни унутманг.

Шолғом косачаларни қийма билан тўлдириб, мантиқасқонда 40-45 дақиқа, яъни пишгунча димлайсиз.

Дўлмаларингиз пишгач, уларни эзиб юбормаслик учун санчки билан эҳтиётлаб олиб, липокчаларга 2 донадан соласиз ва юзига қаймоқ ёки сариеғ сураисиз.



## РИШОД СОБИРОВ - ОЛТИН МЕДАЛ СОҲИБИ

Жанубий Кореянинг Сувон шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган "World Masters" туркумидаги халқаро турнирда қирқдан зиёд мамлакатдан келган дзюдо усталари 2012 йили Лондонда бўладиган ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун куч синашди.

Мусобақа ташкилотчилари томонидан Ўзбекистон терма жамоасига ажратилган учта йўлан-

ма билан Ришод Собиров, Дилшод Чориев ва Шокир Мўминов юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Пекин Олимпиадаси совриндори Ришод Собиров олтинчи килограмм вазн тоифасида италиялик Элио Верди, япониялик Масааки Фукуока ва мезбонлар вакили Хван Хён Чойни енгиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи беллашувда унга жаҳон чемпиони Хираоки Хираока (Япония)

рўбарў келди. Р.Собиров тажрибали рақиб устидан соф ғалабага эришди ва олтин медал билан тақдирланди.

2009 йилги жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Чориев ва Шокир Мўминов турнирда учинчи ўринни эгаллади.

Дзюдочиларимиз битта олтин ва иккита бронза медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли тўртликдан жой олди.

### UNIVERSIADA-2010

#### БАҲСЛАР КИЗГИН КЕЧДИ

Яқинда Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти, Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали, Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали, Қўқон давлат педагогика институти жомалари ўртасида Баркамол авлод йилига бағишланган универсиада мусобақаларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

Белбоғли кураш, стол тенниси, катта теннис, шахмат, дзюдо, миллий кураш, баскетбол, сузиш каби спортнинг жами 12та тури бўйича мусобақалар ўтказилди ва кучлилардан иборат вилоят терма жамоалари шакллантирилди.

Улар энди май ойида Андижон шаҳрида бўлиб ўтадиган республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилиш учун ҳозирликни қизитиб юбордилар.

Ҳафиза САЛҲОВА

#### НАВБАҲОРЛИКЛАР ГОЛИБ

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали жамоаси яхши меҳнатга яхши спорт машғулотлари ва мусобақаларини ҳамоманг олиб боришга одатланган.

Кармана туманидаги "Ёшлик" ўйингоҳида ўтказилган футбол мусобақасида Кармана ва Навбахор почта алоқаси тармоқлари жамоалари куч синашди.

— Жамоамиз шарафини хабарчи Икром Маматов, кузатувчи Собит Сафаров, кўчма алоқа бўлими ҳайдовчи-оператори Анвар Ражабов, хат ташувчи Улугбек Бозоровлар ҳимоя қилди, — дейди жамоа мурабийи, Кармана тумани почта алоқаси тармоғи бошлиғи Шаҳобиддин Ҳамроев.

Мусобақада навбахорлик почтачилар — Зиёд Сафаров, Қобил Нодиркулов, Умурбек Ризоқулов, Аббос Рустамов, Сафартош Бўриёвлар жамоаси 5:1 ҳисобида устун келиб, голибликни қўлга киритдилар.

Маруся ҲОСИЛОВА

#### "БУНЁДКОР" ЧОРАК ФИНАЛДА ТЎХТАДИ

Москва шаҳрида бўлиб ўтаётган МДХ кубогида "Бунёдкор" ўринбосарлар таркиби Самарқанднинг "Динамо" клубидан ижарага олинган футболчилар кўмагида чорак финалга қадар етиб борди.

Биринчи турда Ҳикмат Эргашев шогирдлари Молдова вице-чемпиони — "Дачия"га қарши баҳс олиб борди. Учрашув тугашига 5 дақиқа қолганида Баҳодир Насимов Александр Хвостунов томонидан ошириб берилган тўпни қайчи усулида рақиб дарвозасига жойлаб қўйиб, жамоаси ғалабасини таъминлади.

"Бунёдкор" — "Дачия" 1:0

Голлар: Баҳодир Насимов 85.

Иккинчи турда Арманистон чемпиони "Пюник" таслим этилди.

"Бунёдкор" — "Пюник" 3:2

Голлар: Баҳодир Насимов 14, 84, Шавкат Раимқулов 33 — Кирилл Панченко 7, Денис Шукин 61.

Гуруҳнинг сўнгги ўйинида Литваннинг "Экранас" клуби билан баҳс юритган "Бунёдкор" дуранг натижага эришди.

"Бунёдкор" — "Экранас" 2:2

Голлар: Баҳодир Насимов 29, 34 — Д.Галкевичус 43, В.Римкус 72.

Чорак финалда вакилимиз Туркменистоннинг МТТУ клубини енга олмади. Асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд этилгач, регламентга кўра, пеналтилар сериясига навбат берилди. Жамоалар тўрттадан пеналтини амалга оширишди. МТТУ футболчиларининг барчаси уни голга айлантирган бўлса, бунёдкорчилардан икки нафари буни уддала олмади.

"БУНЁДКОР" (Ўзбекистон) — МТТУ (Туркменистон) — 1:1 (Пеналтилар бўйича 2:4)

Голлар: Дмитрий Кузин 73 — Берди Шомуродов 45-пен.

#### ИСТОМИН УЧИНЧИ ДАВРАГА ЙЎЛ ОЛДИ



Мелбурн шаҳрида теннис бўйича ўтказилаётган "Улкан тож" туркумига кирувчи энг нуфузли тўрт мусобақадан дастлабкиси — Австралия очик чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Денис Истомин муваффақиятли иштирок этмоқда.

Жаҳоннинг энг кучли ракетка усталари иштирок этаётган мусобақанинг биринчи босқичида Денис Истомин франциялик Жереми Шардини 6:2, 6:2, 6:0 ҳисобида енгиб.

Иккинчи давралда у Германиядан келган Михаэл Беррер билан баҳслашди ва 7:5, 6:3, 6:4 ҳисобида устунликка эришиб, учинчи давра баҳсларига йўл олди.

#### МАРАТ ЖУМАЕВ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Деҳли шаҳрида уч юз нафардан зиёд шахматчи иштирок этаётган халқаро турнирда юртдошимиз Марат Жумаев саккизинчи турдан сўнг мусобақа пешқадами Эҳсон Магамига (Эрон) етиб олди.

М.Жумаев саккизинчи турда асосий рақибларидан Оливер Димакилинг (Филиппин) билан куч синашди. Оқ доналарда ўйнаган ҳамюртимиз рақибини мот қилди ва жами етти очко жамғариб, биринчи ўринга даъвогарлик қилмоқда.

Тўққизинчи турнинг марказий учрашуви икки етакчи — Марат Жумаев ва Эҳсон Магами ўртасида бўлади. Унда ҳамюртимиз оқ доналарда ўйнайди.

#### Утганларнинг охири ошад бўлсин

"Хоразм Телеком" филиали жамоаси филиал директори О.Оллабергановга онаси

#### Апоржон онанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бosh Мухаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

#### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

(Бosh муҳаррир ўринбосари)

Бахтиёр КУБЕЕВ

Шомансур ОБИДХҲУЖАЕВ

Миродил САНГИЛОВ

Шухрат СОДИҚОВ

Лутфилло ТУРСУНОВ

(масъул котиб)

Асаджон ҚҲЖАЕВ

Рустам ХҲСИМОВ

Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Жума куни чиқади

#### МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.  
Факс: 236-36-42.  
E-mail: info@xabar.uz

Тахририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ①  
Реклама матнларининг тўғричилиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-03 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Алади: 17803 нусха.

Баҳоси келишилган нархда.  
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Асиддин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424


Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 2 3 4 5



## Кроссворда

## BO'SH VAQTINGIZDA



Тузувчи: С.ТЕМИРОВ

## ЭНИГА:

1. Үзаро ёки ийртқич ҳайвонларга қарши курашган қадимги Рим жангчилари номи, латин тилидан таржима қилинганда “қилич-боз” деган маънони англатади. 6. Спорт тури. 11. Энг оммалашган жанговар қурол (қисқартмаси). 12. Рус денгиз тадқиқотчиси, Антарктидани очган инсон. 13. “Дил ба ...у, даст ба кор”. 16. Ушбу денгиз маҳсулотини тайёрлашда Эрон етакчи ҳисобланади. 17. Арманча исми. 18. Испаниянинг футбол “қироли”. 19. 2007 йилги дунёнинг энг яхши футболчиси. 22. Нигериянинг эски пойтахти. 23. Усул. 24. Қизил денгиздаги яриморол. 25. Пуллик соҳа. 26. “... ва Узро” (достон). 28. Таниқли мотопойгачи – Валентино ... 30. Америка космик самолёти. 31. Жорж Лукасининг “Фазовий жанг” филмидаги робот. 32. Вакил раҳбар (қадимда). 33. Мангу, боқий. 36. Билбао – ...лар мамлақати пойтахти. 38. Интернет-қидирув тизими. 41. Дона сон кўшимчаси. 42. Шевашунослик. 43. “... тўймагунча эл тўймас” (мақол). 46. Қадимги Миср маликаси. 47. Япониядаги шаҳар.

## БҲЙИГА:

1. Номи “қилич” маъносини англатувчи гул. 2. Антонов самолётлари. 3. Швед миллиардери Ингвар Кампраднинг машҳур мебел компанияси. 4. Озарбайжон ва Эрон чегарасидаги тоғлик. 5. Татарча исми. 6. Ҳтмишда ишлаб бериш (ҳашар) солиғи. 7. Мароқаш ва Жазоир ҳудудларида жойлашган сувсиз дарё. 8. Карелиядаги шаҳарча. 9. Туполев самолётлари. 10. Франция шимоли-ғарбидаги тарихий вилоят. 14. Математика соҳаси. 15. Бармоқ изларини ўрганувчи фан. 20. Гуноҳқор. 21. Диний раҳнамо. 26. 1 АҚШ долларига сурати жойлаштирилган президент. 27. Шоирлар “юраги”. 28. Украина парламенти. 29. Шарқий-Сибир денгизига қўйилувчи дарё. 34. Олқиш. 35. Койиш. 36. Исландиялик таниқли кўшиқчи. 37. Таниқли Ҳолливуд режиссёри ва сценарийчиси – Оливер ... 39. “Оламини маҳлиё айлаган ...” 40. “Ўз юртни кўйиб ... сори юзландим” (Бобур). 44. Граф Монте-Кристо тутқунликда сақланган қалъа. 45. Қадимги мисрликлар “куёши”.

ДАРМОНИ ЙЎҚ  
ДАРМОНДОРИЛАР

Дунёнинг миллионлаб одамлари истеъмол қиладиган витаминлар ҳеч қандай фойда келтирмас, аксинча, ҳатто ўлим ҳолатининг тезлашишига сабаб бўлиши мумкин экан. Европалик олимлар 67 марта тадқиқот ўтказиб кўргач шундай хулосага келишган. Масалан, Буюк Британияда 12 миллиондан ортиқ одам ўз парҳезларини витаминлар билан бойитишади. Бунинг фойдаси бор-йўқлиги ҳақидаги савол ҳеч кимда ҳеч қачон пайдо бўлмаган. Британия соғлиқни сақлаш вазирлиги витаминлар парҳезни сақлаш орқали ичилгандагина керакли натижа бериши мумкинлигини, юқори дозадаги антиоксидант тўпламини истеъмол қилиш чоғида жуда эҳтиёткор бўлиш кераклигини маълум қилди.

Сунгги маълумотларга қараганда,



А, Е, С витаминлари, бета-каротин ва селениум Үзаро бирикканда турли касалликларни келтириб чиқарадиган бирикмага айланиши аниқланган. Олимларнинг фикрича, айнан шулар инсоннинг иммун тизими билан боғлиқ муаммага сабаб бўлиши мумкин. Доимий равишда истеъмол қилинганда А-витамини соғлом одамда ўлим ҳолатини 16 фоиз, Е витамини эса 4 фоизга оширади экан. С витаминининг зарари ҳақида

## BU — QIZIQ!

ҳозирча ҳеч нарса аниқлангани йўқ, ammo унинг ҳам касалликларга қарши самарали эмаслиги бор гап. Барибир миллионлаб одамлар олдий шамоллашни дўволашда уни ичаверадилар.

Фармацевтика компаниялари вакиллари ушбу янги маълумотларга нисбатан тўхтовсиз муносабат билдиришмоқда. Уларнинг фикрича, одамлар дармондориларни барча касалликларда ичса бўлади деб нотўғри ўйлашади. Фақат бир ҳолатда — жисмоний зўриқиш ва чекишни ташлашда антиоксидант кўшимчаларидан (шунда ҳам парҳезга риоя қилган ҳолда) фойдаланиш умумий соғлиқни сақлаш ва яхшилашда самаралироқ рол ўйнайди. Лекин барча ҳолатда ҳам меъдани бўлиш ва эҳтиёткор бўлиш керак. Яхшиси ҳар қандай витаминни ичишдан олдин врачнинг ёки диетолог билан маслаҳатлашсангиз зиён қилмайди.

У.ЎҲДДОШЕВ тайёрлади

“USB-МОДЕМ”  
МАМЛАКАТ БҲЙЛАБ  
НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

“Билайн” ягона алоқа оператори USB-модем имкониятларини Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб синаб кўрсатишда давом этмоқда.

2010 йилда аҳолини мобил интернет афзалликлари билан таништириш дастури давом эттирилди. “Юнител” МЧЖнинг ҳар бир ҳудудий филиалида “Билайн” USB-модемлари синаб кўрсатиляпти. “Юнител” ва “Бузтон” идоралари, дилерлик салонлари, интернет-кафе ва компютер техникаси дўконларидаги 200дан зиёд нуқталарда барча хоҳловчиларга оммавий янгиликнинг ижобий томонлари намойиш этилмоқда.



Акцияни изоҳлар экан, “Юнител” МЧЖ жамоатчилик билан алоқалар бўйича катта менежери Ораз Абдуразақов шундай деди: “Ушбу лойиҳа ёрдамида биз хизмат ҳақидаги а.б.о.ротни мақсадли аудиторияга етказибгина қолмай, балки уни амалда ҳам кўрсатиб берамиз. Мобил кенг полосали уланиш мамлақатимиз учун ҳамон янгилик бўлиб турибди. Лекин USB-модемларнинг оммавий равишда кириб келиши уни тез орада ҳудди мобил алоқадек одатдаги ҳолга айлантиради, деб ишонамиз”.

Мунтазам ишлаётган намойиш жойларидан ташқари, “Юнител” кўчма синовларни ҳам амалда қўллаяпти. Шунга ўхшаш оммавий тadbирлардан бири “Билайн” мутахассисларининг ўтган йил декабрида Тошкент ахборот технологиялари университети таширифи бўлди. Бир неча соат давомида юзлаб талабалар 3G тегида севимли сайтларига кириб, USB-модем афзалликларига гувоҳ бўлдилар. Экспертларнинг берган маслаҳатлари талабаларга 3G-девайс имкониятлари ҳақида иложи борича кўп ахборот олишга ёрдам берди.

ХИСОБНИ 5 ДОЛЛАРГА  
ТЎЛДИРИБ, КОМПЮТЕР  
ЮТИБ ОЛ!

“Билайн” мамлақатимизнинг барча вилоятларида “Экспресс-тўлов картаси билан ўз ҳисобингни тўлдири ва соврин ютиб ол!” акцияси ўтказилишини эълон қилади.

15 январдан то 15 февралгача “Билайн” олдиндан тўлов ҳисоби тизимида 5 АҚШ доллариллик қийматдаги картани фаоллаштирган ҳар бир абонент соврин ютиб олиш имконига эга. Акцияда бта компютер ва 100та “йўл-йўл” эсдалик буюмлари ўйналади.

Акцияда қатнашиш учун 2010 йилнинг 15 февралгача 5 долларлик экспресс-тўлов картасини сотиб олиш, фаоллаштириш ва сақлаб қўйиш керак. Совринлар фойдаларга паспортнинг асли (амалдаги тураржой рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги маълумот билан) ва солиқ тўловчининг идентификация рақами, шунингдек, ютуқ чиққан экспресс-тўлов картаси ва омадди рақам қайд этилган СИМ-карта тақдим этилганда берилади.

Акциянинг батафсил қодалари билан [www.beeline.uz](http://www.beeline.uz) сайтида танишиш мумкин.